

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
факультети

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК**

Джалилов Ботир Дилшодович

Чет-эл сармояларини иқтисодиётга жалб этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари (ХХР
ва Ўзбекистон мисолида)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Тошкент-2010

Кириш.....3-10

I-боб. Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этишнинг назарий аспекти

1.1. Инвестиция тушунчаси инвестиция муҳит ва унга таъсир этувчи омиллар.....11-20

1.2. Давлатнинг инвестицион сиёсати ва инвестицион лойиҳалар.....21-33

1.3. Иқтисодиётни ривожланишида чет эл инвестицияларини таъсири ва аҳамияти.....33-39

II-боб. Хитой иқтисодиётига хорижий сармоялар жалб этишнинг таҳлили ва хусусиятлари.

2.1. ХХР да иқтисодий ислохотлар босқичлари, мақсад ва вазифалари.....39-45

2.2. Хитой иқтисодиётига сармоя киритишда ТМКлар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни ва роли.....46-52

2.3. Хитой иқтисодиётига сармоялар киритишнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари: ютуқ ва камчиликлари.....52-60

3-боб. Ўзбекистон иқтисодиётига чет-эл сармояларини жалб қилиш амалиёти ва келажаги.

3.1. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш механизмини ривожлантириш мантиғи ва босқичлари.....60-69

3.2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилиш таҳлили69-76

3.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг хорижий сармояларнинг оқимига таъсири ва истиқболлари.

Хулоса.

Иловалар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати инвестиция жалб этишни ривожлантиришга доимий эътибор бериб келмоқда. Чунки инвестиция жалб этишни амалга ошириш иқтисодиётда ўсишни, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодиётимизга ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб ўзгаришларга эришиш мумкин. Биргина 2004 йилда мамлакат иқтисодиётига 2,5 триллион сўмдан ортиқ сармоя киритилди. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш республикамизда иқтисодий ва сиёсий омилларни ривожлантиришга таъсири яққол сезилади.

Инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш илмий асосланган, инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Инвестициялашнинг бозор механизмларини жорий қилиш молия бозори орқали инвестиция ресурсларини шакллантиришни кенгайтириш ноанъанавий молиялаштириш усулларида фойдаланиш амалиётини чуқур атрофлича тадқиқ этиш ва уларни умумлаштириш заруратини кун тартибига қўяди.

2007 йил 12-февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “2006 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 миллиард 140 миллион АҚШ долларига тенг даражани

ташкил этди. Иқтисодиётга йўналтирилган сармояларнинг қариб 50 % технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланди.»¹

Ушбу муаммолар Ўзбекистон инвестиция жалб этишни шакллантириш йўллари чуккур ўрганиш ва такомиллаштириш зарурлигини ва бу мавзунини долзарблигини кўрсатади.

Чунки иқтисодиётни иқтисодий ўсиш йўлига олиб чиқиш учун инвестиция жараёнларида туб силжишлар, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтириладиган капитал хажмларининг кескин ортиши, капиталдан самарадорлигининг ўсиши зарурдир. Шуларнинг хаммаси бугунги кун воқеликларини ҳисобга оладиган, бозор шароитларига мослашган ҳамда тегишли назарий пойдеворга таянган инвестиция сиёсатига нисбатан янгича ёндошувларни ишлаб чиқишни талаб этади. Инвестиция жараёнларини бошқариш борасидаги назарий базанинг йўқлиги бозор муносабатларини шакллантираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатнинг етарлича асосланмаганлиги сабаб бўлди. Бу эса қилинаётган чора – тадбирларнинг ўз вақтида эмаслигида, уларнинг ноаниқ танланишида ва хоказоларда намоён бўлди.

Фақат молия тизими ва иқтисодиётнинг реал секторининг жипслашиб ўзаро амал қилиши шароитдагина инвестициялар иқтисодий ўсиш омилига айланади. Яъни, бунда жамғарма, қисқа муддатли кўринишидаги молия оқимлари аста-секин узоқ муддатли ишлаб чиқариш инвестицияларига айланиб боради. Бундай ўзаро ҳаракат молия – саноат манфаатларининг бир вақтда мавжуд бўлишининг ўзига хос шарт – шароитларини; давлат роилининг аниқ белгиланишини; тузилмавий қайта қуришга, янги технологияларга хорижий ва миллий капитал қўйилмаларининг оқилона бирикмасини; хусусий тадбиркорлик ривожланишини ва аҳоли жамғармаларининг салмоғининг кўпайишини тақозо қилади. Ушбу шарт – шароитларни фонд бозори механизми орқали амалга ошириш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Бошқача айтганда, инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга оқиб келиши, фонд бозори институтларининг етуклигига, тармоқлараро ва минтақалараро капиталнинг эркин оқими таъминлаб, ички ва ташқи эркин молия захираларини бир жойга тўплаш ва шу захираларни иқтисодиётнинг реал секторига қўйилишига қодирлигига боғлиқ бўлади. Капитал бозорининг қанчалик кенг кўламли ва унинг воситалари қанчалик турли – туман бўлса, ана шунда инвестиция қўйилмаларининг (шу жумладан, қимматли қоғозлар ҳам) самарадорлиги, даромадлилиги ва таваккалининг таҳлили шунчалик катта аҳамият касб этади. Бинобарин, бундай таҳлил қилмасдан туриб, мамлакатдаги инвестиция иқлими ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда инвестицияларнинг ички ва ташқи манбаларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун мақбул шароитларни яратишинг иқтисодий механизмини асослаш мумкин эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш билан бирга инвестиция соҳасида парадигманинг алмашинуви, Ўзбекистон Республикасида инвестиция захираларининг шаклланиши ва жалб этишга доир мураккаб назарий ва амалий муаммоларни долзарб тадқиқ этишни тақозо қилади. Шу билан бирга, илмий изланиш марказига барқарор иқтисодий ўсишга ўтишни таъминлайдиган асосланган янги инвестиция жалб этиш қўйилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамғариш, иқтисодий ўсиш ва инвестиция муаммолари, инвестиция жараёнлари самарадорлигини ошириш ва уларни бошқариш механизмини шакллантириш муаммолари иқтисодчи олимларнинг диққат марказида турибди. Ж.М.Кейнс, Ж.Р.Хикс, Р.Айснера, Ф. Бромили, А.Маршалл, М.Миллер, Ф.Модилиани, А.Пигу, П.Самуэльсон, Б.Фридманинг асарлари иқтисодиёт фанидаги ушбу йўналишнинг назарий – услубий асосини яратди. Шунингдек Л.Абалкин, С.Аукуционек, Л.Григорьев, Я.Кваши, В.Красовский, Г.Найденов, Д.Палтерович, А.Полетаев, Ю.Плусевский, В.Фальцман, Т.Хачатуров¹, А.Цугачко, Р.Энтовнинг иқтисодий ўсиш, жамғариш, инвестиция ва асосий

¹ Хачатуров Т.С. Эффективность эффективных вложений – М., 1979 й. 33 б. Адабиётлар руйхатидан 26.

капитални такрор ишлаб чиқаришнинг турли қирраларига бағишланган асарлари мавжуд. Ўзбекистонда инвестиция жалб этишнинг асосий тамойилларни А.Х.Хикматов, М.Шарифходжаев, И.И.Искандаров, Р.М.Мухитдинов, Э.Х.Махмудов, А.А.Абдуганиев, У.С.Надирханова, С.С.Гулямов¹, А.Турдиев², Д./азибеков³, Н.М. Юсупова, Ш.Т.Юлдашева ва бошқаларни илмий ишларида чуқур ёритилган.

Шу билан бирга, ушбу кўп қиррали муаммонинг кўп масалалари ҳозирча фақат муҳокамага қўйилган ва ҳал қилинишини кутмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор трансформациясининг ўзига хосликлари шу масалаларнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Инвестиция киритиш жалб этишнинг тамойиллари, устиворликлари, афзалликлари ва асосий йўналишлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Инвестиция сиёсатининг минтакавий жиҳати, ҳудуддаги инвестицион жараёнларни бошқариш услублари ва механизмларини дифференциация қилишга ғоявий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Ички жамғармалар имкониятлари кам ўрганилган – улардан иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция қуйиш учун фойдаланиш масаласига собиқ социалистик мамлакатлардаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида хорижий капитални жалб этиш масаласига қараганда анча камроқ эътибор қилинмоқда. Шу муносабатда ички жағармалар табиатини, салоҳиятини ўрганиш, инвестиция мақсадларига ўтказиш йўллари ва усуллари топиш зарурати туғилди.

Ҳозирги вақтга қадар стратегик инвесторга мўлжалланган ва портфель инвестициялари бозори ривожига ёрдам бермаган давлат инвестиция сиёсатига тузатишлар киритиш керак. Тармоқлараро ва минтақалараро капитал айланишининг бозор механизми тадқиқ этилмаган. Тузилмавий ислоҳот ўтказиш асоси сифатидаги Ўзбекистондаги фонд бозорини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари ҳозирча фақатгина унинг инфратузилмаси ишини ташкил этиш, бошқариш, қонунлар асосида

¹ Гулямов С.С., Убайдуллаева Р.А., Ахмедов Э., Мустакил Ўзбекистон. Тошкент ислом университети. Т.: 2003 й. Адабиётлар руйхатидан 8.

² Турдиев А.С. Инвестицион муҳит ва уни таҳлил қилиш услуби. Иқтисод ва ҳисобот, № 17, 1996 й. 6-8 б. Адабиётлар руйхатидан 20-21.

³ Газибеков Д. Узоков А. Инвестициялар. Иқтисод ва ҳисобот, 1993 й. № 5, 8-10 б. Адабиётлар руйхатидан 9.

таъминлаш нуқтаи назаридан қаралиб ўрганилмокда, яъни реал секторга инвестиция қилишдан узилган ҳолда кўрилмокда. Фонд бозорининг эркин молия захираларини ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантириш механизми сифатидаги роли юртимиз иқтисодий адабиётида асосан муҳокамага қўйиш тарзида ёритилипти. Хусусий миллий ва хорижий капитални ҳамда аҳоли жамғармаларини жалб этиш ва тўплашдаги корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг имкониятлари ўрганилмаган. Инвестиция фаолиятини жонлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари тўлақонли ечимини кутмокда.

Баён этилмаганлар магистрлик диссертация ишининг мавзуи танловини, мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсади иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг инвестицион жараёндаги бошқарувчилик ролини аниқлашни ўрганиш негизида Ўзбекистоннинг инвестиция жалб этишни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- Инвестицияларни молиялаштириш асослари;
- Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий тамойиллари;
- Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлашда инвестиция имкониятлари;
- Озиқ-овқат саноатидаги инвестицияларни шакллантириш;
- Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари;
- Жамғармаларнинг ички манбаларини кенгайтириш йўллари.
- Мазкур муаммоларни ечими бўйича аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Магистрлик диссертация ишининг объекти – Республикамизда инвестицион жалб этишга амал қилиш, лойиҳаларни тузиш ва уларни

бошқариш билан боғлиқ Иқтисодиёт Вазирликлари ва бошқа идоралар тадқиқот ишининг объектидир.

Магистрлик диссертация ишининг предмети – Ўзбекистон инвестиция сиёсатини олиб боришдаги асосий йўллари.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асослари – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни жалб этишни такомиллаштиришга оид назарияларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур муаммони тадбиқ этишда асосий услубий база бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммоларни ечиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, меёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси Маълумотларидан фойдаланилади.

Ишнинг илмий янгилик элементлари қуйидагилардан иборат:

- Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг методик асосларини ишлаб чиқиш;
- Инвестиция сиёсатини хусусийлаштириш жараёни;
- Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестицияни молиялаштириш асослари;
- Республика иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайтириш йўллари;
- Инвестиция жалб этишни такомиллаштириш йўллари;
- Мазкур муаммоларни ечими бўйича аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Магистрлик диссертация ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан давлат бошқарув органлари, инвестиция жалб этишни амалга оширишда ички ва чет эл инвесторларини жалб қилиш ва рағбатлантириш механизимини ишлаб чиқишда қисман фойдаланишлари мумкин.

Магистрлик диссертация ишининг тўзилиши: кириш, икки боб, асосий мазмунини ифодаловчи саккиз савол, хулоса ва тавсияномалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, илмий янгилик элементлари, амалий аҳамияти, тадбиқ этилиши баён этилган.

Асосий қисмида қуйидагилар акс эттирилган: инвестиция жалб этишнинг услубий ва методик асослари, хусусийлаштириш жараёни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестицияни молиялаштириш асослари; Ўзбекистонда инвестиция жалб этишнинг ривожлантириш йўллари, Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва инвестиция таркиби, республика иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайтириш йўллари, инвестиция жалб этишнинг такомиллаштириш йўллари.

Якуний қисмида диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳосил қилинган қуйидаги хулоса ва тавсияномалар ифодаланган:

- молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, техник – технологик салоҳиятини ошириш учун, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш;
- хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул-кредит сиёсати амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда якунлаш;
- тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашни ривожлантириш учун, ушбу соҳага хизмат қилувчи

институтционал бирликларни ҳамда инфратузилма институтлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;

- инвестиция лойиҳаларини хорижий банклар кредит линиялари орқали молиялаштириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончини янада ошириш;
- хорижий банклар кредит линияларини тўлиқ ва самарали ўзлаштириш, улар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва камайтириш, кредит самарадорлигини оширишни таъминлаш учун, ушбу банклар кредит линиялари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг мавжуд дастакларини такомиллаштириш;
- инвестиция лойиҳаларини бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида, республикамизда фаолият юритаётган бюджетдан ташқари фондларнинг молиявий - иқтисодий ривожланиши учун шарт – шароит яратиш;
- хорижий тажрибага таянган ҳолда республикамизда ҳам кичик ҳам ўрта бизнес субъектларини бирлаштирувчи марказ ёки ассоциацияларни, уларни фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашувчи махсус фондларни ташкил этиш лозим.

I-боб. Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этишнинг назарий аспекти.

1.1. Инвестиция тушунчаси, инвестицион сиёсат ва инвестицион лойиҳалар.

Инвестициялар мазмун-моҳияти бўйича замонавий қараш нуқтаи-назарларининг ўрганилиши шуни кўрсатадики, иқтисодий фанларнинг турли бўлимлари ва амалий фаолиятида улар турлича талқин этилади. Инвестициялар мақсадлари, соҳалари, сафарбар этиш объектлари ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб инвестициялаш тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи-назаридан фақат капитални йўқотиш хавфи мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради. Инвестицияларнинг таснифи (классификациясига) мувофиқ ва улар молиялаштириш манбаларининг ишончилигига қараб хавфлар мажмуиси ўзгариб боради. Инвестициялар капиталнинг барча шакллари (ссуда, акциядорлик, тадбиркорлик)дан фарқли ўлароқ бутун хавфлар мажмуини ҳис этади ва капитал қийматини йўқотиши хавфини камайтиришни назарда тутади. Капиталдан фарқли ўлароқ, инвестициялар аниқ ва ноаниқ бўлган хавфлар билан онгли равишда тўқнашади ва боғланади. Инвестицияларнинг миллатлараро кўчиб юриши ноаниқ хавфлар ва ноаниқлик даражасини оширади. Ҳар бир муайян ҳолатда капиталнинг ҳозирги қийматини жиддий йўқотиш хавфини камайтиришга инвестицияларнинг мақсадлари яъни уларнинг хавфсизлиги, даромадлилиги, капиталлашуви ва ликвидлигини таъминлаш орқали эришилади.

Инвестициялар ҳақида қарор қабул қилиш инвестор лойиҳалари хавфлилигини, манбаларнинг муваққат қийматини, муқобил имкониятларга кўра, лойиҳаларнинг жозибadorлигини эътиборга олади. Бундай қарорга у хавфнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади. Инвестицияларнинг моҳияти бўйича хулоса чиқарилса, улар аниқ ва ноаниқ бўлган хавфлар келажакдаги даромадлари билан боғлиқ. Инвестициялар ҳақидаги лойиҳа танланар ва бўлажак инвестиция

даромадлилигини ҳисобга ола билишга қаратилиши зарур. Инвестициялар қийматини нақадар самара келтириш, йўналишларини аниқлаш асосида улар манбаларни ишончлилигини танлаб олиш инвестициялаш билан боғлиқ аниқ ва ноаниқ хавфларни ўлчаш билан боғлиқдир. Инвестицияларнинг мазмуни, аниқ манбалардан маблағ олишга, капитал қийматини сақлаш хавфи даражаси ва бўлажак самарага эришишни ҳисобга олган ҳолда уларнинг асосий қуйилишини билдиради. Ана шу белгиларга кўра инвестициялар бошқа қуйилмалардан фарқ қилиши мумкин. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Капиталнинг ҳаракат қилиш жараёнида жалб этилиши инвестициялар моҳиятини акс эттиради. Инвестициялаш жорий қиймати сақлаш, келгуси жамғармаларни таъминлаш мақсадида капиталлашувига қаратилади. Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор хавфлар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида ўз ва ўзига маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишининг таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишдан далолат беради.

Баён этилган таърифда инвестицияларнинг қуйидаги муҳим сифат тавсифлари акс этади:

Молиялаш манбаларининг қўлга киритилиши мумкинлигини ва ишончлилиги келгуситдаги қиймат эвазига жорий истеъмолдан воз кечиш, инвестициялар аниқ, ноаниқ хавфлар билан боғлаш ва молиявий оқибатларни башоратлаш, реал ва молиявий активларга эга юўлиш йўли билан инвестицияларнинг капитал ҳаракатланиш жараёнига боғлаш, инвестициялар ликвидлигини ҳисобга олган ҳолда уланинг муайян муддатларга сафарбар қилиш, диверсификациялаш орқали инвестициялаш мақсадларни уйғунлаштириш инвестицияларнинг капиталлашуви ва жамғарилиши.

Ҳалқаро инвестиция муносабатларида инвестициянинг ҳуқуқий шароитларда алмашиш асосида қўшимча хавфлар таъсир эҳтимоли ошади. мамлакат хавфи қуйидагиларни назарда тутати:

сиёсий вазият,

иқтисодий ривожланиш тенденцияси,

ҳукуматнинг бюджет сиёсати ва унинг жамғарма ҳамда инвестицияларга таъсири нархлар ва валюта курсини барқарорлаштиришга қаратилган пул кредит сиёсати, мамлакат хавфи, қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолларда инвестициялардан даромадлик бўлиш имкони. Булар хорижий инвестициялар рискларини доирасини кенгайтиради. Хорижий инвестицияларнинг кескин фарқи уларнинг мамлакатлар бўйича кўчиб юриши фақат ўз мақсадларини кўзлаши амал қилиш шароитларини ўзгариши анча қулай шароитлар билан қуйилиши, ишонч қозониши ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни таърифлашда уларни ўзига хос барча хусусиятлари акс этиши лозим ҳисобланади. Бунинг сабаби, хорижий инвестициялар билан бир иқтисодиёт субъекти капиталини бошқасига боғлаб қўйиш бўлиб, бунинг ўзига хос қўшимча хавфлар, ҳуқуқий шароитлар инвестиция иқлимини ўзгариши ҳосилдир. Натижада, мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради. Хорижий инвестицияларнинг кириб келиши капитал импорт қилувчи мамлакатда солиқ, ижара ҳаққи ва бошқа тушумлар кўпайишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётининг тўлиқ қарор топгунича инвестициялар учун солиқ кредитлари, солиқ имтиёзлари, божхона тўловларини камайтириш, иқтисоднинг кўп меҳнат талаб қиладиган секторлари, шу билан бир вақтда бандлик муаммосини ҳал этувчи янги лойиҳаларга хорижий инвестицияларни жойлаштиришни рағбатлантиришдан тўлиқ фойдаланади.

Инвестициялашда устуворлик катта капитал талаб қилинадиган ва илмий янгиликлар яратиладиган тармоқларнинг янги лойиҳаларига жалб қилиш зарур. Хорижий инвестициялар жалб этишнинг амалдаги белгиланган шароитларни айрим мамлакатлар ва муайян инвесторлар учун халқаро келишувлар билан мувофиқлаштириш зарур. Бунда ечиладиган масалаларга боғлиқ равишда қўшимча имтиёзлар яратиш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хорижий инвесторларни қабул қилувчи мамлакат ўз экспортини импортидан устунлигига эришиши лозим. Бу билан уларнинг кредит тарзида жалб этилиш ва ўз имкониятидан ортиқ даражада истеъмол этилиши олдини олиш мақсади кўзланади. Оммавий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланишга асосланган инвестиция фаолиятини тартиблаш усуллари миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимлари уйғунлаштирилиши асосида амалга ошириш талаб этилади.

Халқаро инвестиция муносабатлари, мамлакат ички муносабатидан фарқли равишда, айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, молия ва кредит муассасалари ҳамда муайян инвесторлар манфаатларини акс эттиради.

Иқтисодиёт эркинлашиб борган сари инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартиблаш кўпроқ хусусий тадбиркорлик соҳалари ва иқтисоднинг бошқа аралаш секторлари инвестиция фаолияти билан бирга жалб этилиши ва бу борада рағбатлантиришига қаратилиши лозим.

Хорижий капитални жалб қилувчи мамлакат, улар оқимини рағбатлантириши қулай шароитларни таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзларини, солиқ кредитларини ва бошқа кафолатларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги аҳамиятлидир.

Инвестицияларни кучли рағбатлантириш омили сифатида жадаллаштирилган амортизациянинг турли усулларида фойдаланиш ҳисобланади. Бир маромда эскириш қийматини ажратиш, йиллар йиғиндисига фараб ажратиш усули, қиймат қолдиғини икки ёқлама тугатиш усули эксплуатация бирлиги усули.

Мулоҳаза қилинган ва ҳар томонлама ҳисоб-китобдан ўтказилган амортизация ажратмаларининг жадаллаштирилган усуллари инвестицияга йўналтирилган маблағни фойда солиғига тортишдан сақлаб қолади. рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари инсон капитали технологик ва техникавий билимлар соҳаси ривожлантиришга қаратилган инвестициялар кўлами кенгайтирилишига қаратилиши лозим.

Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликларни унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади.

Инвестициялар мамлакат миқёсида камайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектларини қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосан, асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушуриш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

Инвестициялар –асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларини пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Инвестициялар инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар инвестицион фаолият инвестицияларни амалга оширувчи шахс инвестор дейилади. Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Булар :

- инвесторнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, тўпланган пул жамғармалари ва ҳ.к);

- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

- жалб вилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар жисмоний ва юридик шахсларни пай ва бошқа тўловлар);

- бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш;

- чет элликлар маблағлари;

Ҳозирги даврда “...иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитини кафолат ва иқтисодий омилларни янада кенгайтирадиган чоралар”¹ алоҳида аҳамиятга эга. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча

¹ Миллий истиқдол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. 63 бет.

бошқа имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиёт ривожига учун йўналтирилган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Ҳозирга қадар “инвестиция” тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни “Тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этиладиган барча турдаги бойлик” деб тушунилса, айримлари эса латинча “.....” сўзининг айнан таржумаси “солиш” деган маънодан келиб чиққан ҳолда “капитал солиш” деган маънони бирдай қилиб таърифлайдилар.

Хусусан, Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати бўлган У.Ф.Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган “инвестиция” дарслигида – “инвестициялар келгусида (эҳтимоли номуайян) қийматли олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир”¹ -деб таърифлайди. “Инвестициялаш” атамасининг маъноси қуйидагича шарҳлайди: “келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир ва ҳисобланадигани, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин”².

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунднинг фикрича, “инвестиция-бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кеунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир”³.

Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у “капитал қуйилмалар”га берилган таърифга кўра мос тушади.

Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

¹ У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиция, Пер. С. Анг.-М.: “Инфра”. 2000. 979б.

² Ўша жойда 16 бет.

³ Клас Эклунд. Эффективная экономика: Шведская модель. М. “Экономика” 1991, 96стр.

- ҳаракатдаги ёки ҳаракатда бўлмаган мулклар (бино, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик ҳукуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (ноухау) ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар¹

Инвестиция тушунчасига таъриф берилаётганда, бу атаманинг барча жиҳатларини умумлаштириб қуйидагича таъриф бериш мумкин. “инвестиция” –бу фойда (даромад олиш) ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Шундай қилиб, “инвестиция” тушунчасининг моҳияти ёритилганда уни жамғариш (бойликлар, ресурслар) қуйиш (солиш, жойлаштириш, сарфлаш), капиталлашув (капитализация, маҳсулот яратилиш) ва иқтисодий ёки ижтимоий самара олишдек динамик ҳаракатда бўлишлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг бундай динамик ҳаракати инвестиция фаолияти орқали амалга оширилади.

Ҳар бир мамлакатдаги инвестиция муҳити биринчи навбатда унинг сиёсий барқарорлигидадир. Худди ана шу омил чет эл инвесторларининг бошқа мамлакатларга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурслар киритиш имконини беради.

Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллардан яна бири ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигидадир. Бу эса инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун кафолат вазифасини бажаради.

¹ Ғозилбеков Д.Ғ. Қоралиев Т.М. “инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш”-Т.: Матбаатчи. 1993. 6 б.

Инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади :

- ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан қуроллантириш ва модернизациялаш,
- янги иш ўринлари яратишдир ва шу асосда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш,
- вазирликлар, концернлар, корпорациялар ва иқтисодиётнинг бошқа бўлимлари иштирокида ва адрес дастурларида қатъий риоя қилган ҳолда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан марказлашган ва марказлашмаган капитал қуйилмалари ҳажмини аниқлаш,
- иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи лойиҳалар нуктаи назаридан устувор инвестициялар таклифлари рўйхатини ишлаб чиқиш ва чуқур экспертизадан ўтказишни таъминлаш,
- иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда инвестицияларнинг амалга ошириш тендерлар асосида ўтказилиши лозим.

Инвестиция сиёсатининг устуворлиги, энг аввало инвестициялар иқтисодиётни таркибий жиҳатларидан қайта қуриш ва техник юксалтиришга, шунингдек, корхоналарнинг асосий фондларини модернизация қилиш (янгилаш, замонавийлаштириш) ва қайта қуроллантиришга йўналтирилиши зарур.

Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширишни аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, қуйидагилар билан изоҳланади.

Буларга :

- хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиради.
- импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировард натижада аҳолининг меъёргаги турмуш даражасини таъминлаш имкониятини яратади.

-кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали (усули) ўсиб боровчи аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

- корхонанинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrolлайди.

-табiiй ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва х.к.

“Инвестиция лойиҳаси” тушунчасининг ўзи иқтисодий назарияда ва амалиёти кенг қўлланилади ва у икки ҳил маънода талқин этилади.

1.Муайян мақсадларга эришишни (кўзланган натижаларни ҳосил қилишни) таъминловчи қандайдир фаолиятлар йиғиндисини амалга ошириш назарда тутувчи иш, фаолият тадбир сифатида тушунилади.

Бундай ҳолларда “Хўжалик тадбири”, “Иш (ишлар йиғиндисини)”, “лойиҳа” терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади.

2. Қандайдир фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий бошқарув ва молиявий ҳисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.

Инвестицион лойиҳа тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларини барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий меҳнат ресурсларининг ҳаракатларини шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирлари ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қаралиши мумкин.

Тўлиқ шаклланган, якунига етган инвестиция лойиҳасини тузиш ва амалга ошириш умумий ҳолда қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

- инвестиция ғоясини шакллантириш;
- инвестицион имкониятларни тақдим этиш;
- инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш;
- шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;
- лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини тайёрлаш;

-курилиш-монтаж ишлари ;

-объектни ишга тушириш ва инвестиция лойиҳаси (иқтисодий кўрсаткичлари) мониторингини олиб бориш.

Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади йўналиши амал қилиш соҳаси муддати чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иқтисодий, жиҳатидан тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг бошқа ҳужжат ва “лойиҳа”лардан асосий фарқи шундаки у ҳақиқий ҳужжат сифатида фарор топиши учун унинг барча томонлари махсус усуллар ёрдамида кенг ва аниқ ҳисоб-китоблар билан баҳоланади.

Шунингдек, унинг амалга оширилиши муайян миқдордаги маблағларни сафарбар этишга инвестиция лойиҳаси, инвестиция ғоясининг шаклланишидан вужудга келар экан, унинг мураккаб жараёнлар асосида яратилишида турли тадқиқотлар ва таҳлил этиш ишларини олиб боровчи мутахассисларнинг асосий ўрин эгаллашларини алоҳида эътиборга олмоқ зарурдир.

Инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусияти унинг амалга оширилиши молиялаштиришнинг турли шаклларига мос тушиши билан изоҳланади. Бундай инвестиция лойиҳасини амалга оширишда турли манбалардан маблағларни жалб этиш мукинлиги унинг қулайлигининг, фойдалилигини, самарадорлигини ва афзаллигини оширади.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳасини инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг меваси натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Яъни у чекланган муддат ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида бир бири билан боғлиқ, бир бири билан алоқадорлигидаги мураккаб доирадаги тадбирлар йиғиндисидир.

1.2 Инвестиция иқлими ва унга таъсир қилувчи омиллар

Муайян мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги кўплаб комплекс кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Одатда уларни икки ўлчовли матрица, яъни “хатар (таваккалчилик) – имконият (даромадлилик)” кўринишида тасвирлайдилар ва инвестицион иқлим деб атайдилар. **Инвестицион иқлим** – муайян мамлакат ёки минтақанинг турли тармоқларига узоқ ёки ўрта муддатли капитал қўйилмаларни жойлаштириш учун шарт-шароитлардир. Инвестицион иқлим – кенг қамровли тушунча бўлиб, у сиёсий ҳолат, иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳуқуқ, мафкура, маданият ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади.



1.1.1-чизма. Мамлакат инвестицион иқлими омилларининг таснифи¹.

¹ Бродский М.Н., Костенко С.И. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.-Петербургского государственного университета экономики и финансов / Под ред. А.А.Ливревского. 2001. Вып. 6. С. 95

Инвестицион иқлим қанчалик ёмон бўлса, инвестор ўзининг тадбиркорлик хатарини шунчалик юқори баҳолайди, инвестиция қўйиш эҳтимоли ҳам шунчалик паст бўлади.

1.1.1-чизмада мамлакатлар ва минтақалар инвестицион иқлимнинг асосий унсурларидан иборат тасниф келтирилган. Кўриниб турибдики, инвестицион иқлим объектив имкониятларни (инвестиция салоҳияти), инвестор фаолияти учун шарт-шароитларни (инвестицион хатар) ва юқоридаги икки омилни умумлаштирувчи ҳуқуқий базани ўз ичига олади.

Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки шу сиёсат орқали мамлакат ишлаб чиқариш қувватини юқори даражада ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ортиши, моддий ва маънавий эҳтиёж қондирилиши, бутун давлат инфратузилмасининг ривожланишини таъминлаш мумкин.

Кўпгина рейтинг баҳолашлар (масалан, “Эксперт” журнали) ва бошқа тадқиқотчилар ¹ инвестицион иқлимнинг икки қўшилувчисини, яъни инвестиция салоҳияти ва инвестицион хатарни ажратиб кўрсатадилар.

Мамлакат инвестиция салоҳиятини аниқлашда шуни ҳисобга олиш зарурки, у инвестициялаш объектлари ва соҳаларининг мавжудлиги ва хилма-хиллиги ва уларнинг “иқтисодий соғлом” эканига боғлиқ бўлган объектив шарт-шароитлар йиғиндисидан шаклланади. *Мамлакатнинг инвестиция салоҳияти* – асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, мамлакат ҳудудининг ишлаб чиқариш омиллари (табiiй ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфратузилма ва ҳ.к.) билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол эҳтиёжи ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олувчи тавсифидир.

1.1.1-жадвалда хорижий инвестициялар учун курашда рақобат устунлигига эришишда таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган.

¹ Кокушкина И.В. Иностранные инвестиции и совместные предприятия в экономике России: Тенденции и проблемы. СПб.: Изд-во С.-Петербургского ун-та, 1999. С. 26.

**1.1.1-жадвал. Хорижий инвестицияларни жалб этишда рақобат
устунлигига эришишга таъсир этувчи омиллар¹**

Омиллар	Омиллар тавсифи
Сиёсий омиллар	Давлат тузумининг барқарорлиги; такомиллашган ҳуқуқий база ва инвесторлар ҳуқуқлари самарали муҳофазасининг таъминланиши; иқтисодиётга узоқ муддатли сармоялар жалб этиш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган иқтисодий сиёсат юритишга қодир бўлган маъмурий-бошқарув тизими; молия-инвестиция бозорини изчил ва самарали мувофиқлаштиришни амалга ошира оладиган, инвесторлар учун ахборот очиклигини ҳамда ўтказилаётган сиёсат ошқоралигини таъминлай оладиган давлат органларининг мавжудлиги.
Макроиктисодий омиллар	Иқтисодиётнинг умумий ҳолати, унинг ўсиш суръатлари ва яқин йиллардаги ўзгаришлар бўйича прогнозлар; миллий иқтисодиёт бошидан кечираётган иқтисодий цикл фазаси; инфляция даражаси, ишсизлик, аҳоли жон бошига нисбатан ўртача даромадлар, миллий валютанинг барқарорлиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг ҳолати, молиялаштириш ставкаси, турли даромадлардан солиқ олиш даражаси, иқтисодиёт тармоқларининг таркибий нисбати. Фонд бозори ривожланиш динамикаси ва даражаси ҳам мазкур омиллар гуруҳига киради: қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ва унинг алоҳида сегментларининг ЯИМга нисбати, тўғридан-тўғри ва портфель хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғи ва бу икки турдаги инвестицияларнинг ўзаро нисбати, молия сеторининг ривожланиш суръатлари ва даражаси (жумладан, тижорат банклари, брокерлик компаниялари, инвестицион банklar ва биржалар) (барча кўрсаткичлар динамикада берилади).
Микроиктисодий омиллар	Молиявий ҳолатни тавсифловчи кўрсаткичлар; менежментнинг ривожланиш даражаси; ишлаб чиқариш ва маркетинг сиёсати; қимматли қоғозлари миллий бозорга муомалага чиқарилган йирик корхоналарнинг ривожланиш истикболлари; корхоналар активлари ва капиталининг даромадлилиги; акциялар баҳосининг битта акция даромадига нисбати ва ҳ.к.
Инфратузилма омиллари	Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ривожланиш йўналишлари ва даражаси ҳақида маълумотлар, яъни унинг унсурлари (қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари) ва қимматли қоғозлар операцияларини ўтказиш жараёнида ушбу бозорда қабул қилинган улар ўртасидаги муносабатлар тизими миллий қимматли қоғозлар бозори жозибадорлигига таъсир қилади.

¹ Бродский М.Н., Костенко С.И. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.-Петербургского государственного университета экономики и финансов / Под ред. А.А.Ливревского. 2001. Вып. 6. С. 87-88.

Маълумки, халқаро амалиётда мамлакат инвестицион иқлимнинг умумий кўрсаткичлари, муайян вақт давомидаги унинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, баллар орқали баҳоланади (1.1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал.

Хорижий инвестицияларни қабул қиладиган мамлакат инвестицион иқлимнинг умумий таҳлили (умумлашма Ғарб услублари асосида)¹

% ҳисобида

Баҳоланаётган омиллар	Омиллар баҳоси, баллда
1. Сиёсий барқарорликни баҳолаш	2-18
узоқ истиқбол учун жуда барқарор	18
узоқ истиқбол учун барқарор	12
кучли сиёсий ихтилофлар	8
давомий тартибсизликлар	4
ҳукумат алмашуви эҳтимолининг юқорилиги	2
2. Иқтисодий барқарорликни баҳолаш	0-16
барқарор ва жадал ўсиш	16
барқарор ва мўътадил ўсиш	14
иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари ва инфляция	10
иқтисодий стагнация ва инфляциянинг юқори даражаси	6
иқтисодий ҳалокат	0
3. Валюта барқарорлигини баҳолаш	2-14
эркин конвертирланадиган барқарор валюта	14
эркин конвертирланадиган ва нисбатан барқарор валюта	12
заифлашаётган валюта	8
валюта қадрсизланишининг муқаррарлиги	6
гиперинфляция ва кейинчалик девальвация	2
4. Капитал ва фойдани жўнатиш шартлари	2-12
олдиндан рухсат талаб этилмайдиган эркин жўнатиш	12
олдиндан рухсат талаб этиладиган эркин жўнатиш	10
жўнатишни чеклаш ва уни тўхтатиб қолиш	8
қаттиқ валюта назорати	6
жўнатишларнинг қаттиқ тўсиб қўйилиши	2
5. Технологиялар муҳофазаси	2-10
патентлар ва товар белгиларининг кучли ҳимояси	10
кучли ҳимоя, лекин патент қонунчилигининг зиддиятчилиги	8
муайян мамлакатда патент ёки товар белгиси рўйхатдан ўтган ҳолдагина уни ҳимоя қилиш	6
заиф ҳимоя	4
ҳимоянинг йўқлиги	2
6. Хорижий инвестицияларга муносабат	0-10
бозор иқтисодиёти ривожланишига йўналтирилган шароитда жуда	

¹ Иностранные инвестиции: мировой опыт. Информационно-учебное пособие. Ч.2 /Под общ. ред. Б.Г.Дякина. М.: РОСБИ, 1997. С. 125-126

ижобий	10
ижобий муносабат ҳамда имтиёзлар	8
хорижий инвестицияларни аҳамиятсиз даражада рағбатлантириш	6
хорижий инвестицияларнинг фақат айрим турларига рухсат бериш	4
хорижий инвестицияларга нисбатан салбий муносабат	0
7. Хорижий инвестициялар учун имтиёзлар ва чекловлар	4-12
жуда ижобий ва эркин муносабат	12
танлов асосида ижобий муносабат	10
танлов асосида чеклов муносабати	6
хорижий мулкка, капитал ва фойдани жўнатишга нисбатан жиддий чекловлар	4
8. Ижтимоий-маданий омилларнинг ўзаро алоқадорлиги	0-8
очиқ ижтимоий-маданий муҳит	8
мўътадил очиқ ижтимоий-маданий муҳит	6
танлов асосида очиқ ижтимоий-маданий муҳит	4
комплекс ижтимоий-маданий алоқадорликни йўлга қўйишни талаб этадиган “эгоцентрик” маданият	2
барча хорижликларга нисбатан очиқ салбий муносабат	0
Ҳар бир мамлакат жами балларининг мумкин бўлган якуни	2-100

Мазкур жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда энг юқори балларни тўплаган мамлакат энг қулай инвестиция иқлимига эга бўлиб ҳисобланади¹.

Мамлакат инвестицион иқлимини баҳолаш масалаларини ўтиш даври мамлакатлари мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Россиянинг бу соҳада тўплаган тажрибаси Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади.

Россия инвестицион иқлими бир қатор анъанавий жозибадор томонлари бўйича фарқ қилиб², унга қуйидагилар киради:

- бой табиий ресурслар;
- катта қувватга эга, айти пайтда техник жиҳатдан эскирган ва кўпинча тўла қувватда ишламайдиган ишлаб чиқариш соҳалари;
- юқори илмий-техникавий салоҳият;
- арзон ва анчагина малакали ишчи кучининг мавжудлиги.

¹ Иностранные инвестиции: мировой опыт. Информационно-учебное пособие. Ч.2 /Под общ. ред. Б.Г.Дьякина. М.: РОСБИ, 1997. С. 125

² Инвестиционный климат России. Экспертный институт и международная консалтинговая фирма «Эрнст энд Янг», 1999. с. 32

Россия иқтисодиётида хорижий инвестициялар фаолиятининг бир қатор ижобий тажрибасига қарамасдан, мазкур ижобий омиллар кўпинча салбий ҳолатлар ёнида бир қадар қадрсизланиб қолади. Ҳатто россиялик ишчи кучлари сифатига муносабат билдириш ва унинг рақобатбардошлигини тўғри баҳолашда ҳам турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, Швейцариянинг Berі институты томонидан ҳар йили 49 та мамлакат бўйича ўтказиладиган ишчи кучи сифатининг қиёсий интеграл баҳоларида Россия ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича бирмунча ноқулай мамлакат сифатида тавсифланиб, бу жиҳатдан паст рейтингли мамлакатлар гуруҳи билан чегарадош ўринларни эгаллайди¹. Россияда ишчи кучи арзонлиги ҳақида кенг тарқалган фикрларга қарамасдан, россиялик ишчиларнинг иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги нисбат кўпгина мамлакатлар кўрсаткичларига нисбатан анча паст бўлиб, максимал даражанинг 1/5 қисмини ташкил этади. Меҳнат интизоми мумкин бўлган максимал даражанинг 1/3 қисмига тенг деб баҳоланса, нисбатан оз миқдордаги ишчилар замонавий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган малака ва ишлаб чиқариш маданиятига эгадирлар, деган хулоса билдирилади².

Шу билан бирга, Европа бизнес-клуби ва Россия-европа иқтисодий сиёсат маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижалари шуни кўрсатадики, бир қатор Европа инвестиция компанияларини ушбу мамлакатдаги ишчи ва менежерларнинг малака даражаси қаноатлантирмоқда. Бу шундан далолат берадики, россиялик мутахассисларнинг бир қисми тегишли рағбатлар ва касбий таълим олиши натижасида белгиланган стандартларга мос келиши мумкин³.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, 2001-2005 йилларда Россияга ва бошқа МДХ мамлакатларига хорижий инвестицияларни жалб этиш шарт-шароитлари анчагина яхшиланди.

¹ Эксперт. 1999. №15.

² Инвестиционный климат России. Экспертный институт и международная консалтинговая фирма «Эрнст энд Янг», 1999. с. 19

³ Материалы российско-европейского центра экономической политики //Обзор российской экономики. 2000. Апрель

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россияда инвестицион иқлим умуман олганда жуда мураккаб. Мамлакат инвестиция жараёнларининг ўзига хос зиддиятлари шундан иборатки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида хорижий инвестициялар оқими, одатда мамлакат ичида юзага келган оқимларга эргашадиган бўлса, Россияда бунинг акси.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ортиши билан ички инвестицияларнинг бирмунча қисқариши кузатилади¹. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, миллий ва хорижий инвесторларга нисбатан солиқ сиёсатидаги фарқлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун, кўпинча миллий инвесторлар учун офшор юрисдикциялар орқали хорижий компаниялар сифатида ўз капиталларини четдан Россияга киритиш иқтисодий жиҳатдан (“миллий либосни хорижийга алмаштириб кийиш”) фойдалидир. Жумладан, Кипр Россия иқтисодиётига капитал экспорт қилувчи мамлакатлар орасида етакчилик қилиши шу билан изоҳланади.

Ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий беқарорлик, ўзгарувчан ва доим ҳам самарали бўлмаган солиқ сиёсати, хорижий сармоядорлар суғуртаси механизмининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги – буларнинг барчаси чет эллик шерикларни мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ўрнига осонгина маҳсулот етказиб бериш билан чекланишга мажбур қилмоқда. Бироқ, 2000 йил бошларидан бошлаб, бундай камчиликлар аста-секин бартараф этила бошланди. Жумладан, мамлакатда ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлик юзага келди, марказ ва минтақалар муносабатини аниқ тартибга соладиган бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Охир-оқибатда, бундай тадбирлар хорижий инвесторларни “ўзимизники” ва “бегона”ларга ажратилишига барҳам берилишига ва улар учун бир хил шарт-шароит яратилишига олиб келди.

Ҳозирги пайтда МДХ давлатлари, шу жумладан Ўзбекистонга хорижий инвестициялар оқимининг кириб келишига халақит бераётган қуйидаги сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

¹ Теор Л.Р. Иностранный капитал на российском рынке (на примере финских компаний). СПб., 2000.

- мавжуд солиқ тизимининг номукаммаллиги;
- божхона тизимида муаммоларнинг кўплиги;
- жинойтчилик ва коррупциянинг илдиз отганлиги. Жумладан, коррупция бўйича 100га яқин мамлакатга оид махсус обзорда (Transparency International, 2004) кўпгина МДХ давлатлари “ҳаддан зиёд коррупциялашган” мамлакатлар гуруҳи таркибига киритилгани бежиз эмас. Бироқ бу ҳолат бўйича кейинги йилларда ижобий тенденциялар кузатилмоқда;
- молиявий ресурсларнинг етишмаслиги;
- айрим соҳаларда ва бизнес йўналишларида (масалан, халқаро молия-валюта менежменти бўйича) юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги;
- замонавий алоқа ва телекоммуникациянинг талаб даражасида ривожланмаганлиги;
- номукаммал ижтимоий инфратузилма;
- консуллик ва виза муаммолари;
- тадбиркорлик инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги.

Сифатли меҳмонхона номерлари билан таъминланиш даражаси бўйича шаҳарларнинг тутган ўрни бу ўринда ёрқин мисол бўла олади. Масалан, агар Франкфурт, Брюссель, Женева, Осло шаҳарларида сифатли меҳмонхона номерлари сони ҳар 100 минг аҳолига нисбатан мос равишда 1148, 657, 584, 528 тани ташкил этган бўлса, айнан шу кўрсаткич Москвада 39 та, Санкт-Петербургда 21 та, Олма-Отада 16 та, Тошкентда 9 та ва Бишкекда 5 тага тенг бўлган.



1.1.3-чизма. Тўғридан тўғри инвестициялар жаҳон бозорида МДХнинг рақобат зонаси¹

1.1.3-чизмадан кўриниб турибдики, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг халқаро оқими ҳолати Мустақил Давлатлар Ҳамкорлиги мамлакатларидаги аҳвол қониқарли эмаслигидан далолат беради. Умуман, ҳозирги пайтда МДХ давлатларида хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда тўғридан тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш учун инвестицион иқлимнинг нисбатан ноқулайлиги билан боғлиқ.

Чизмадан кўриниб турибдики, МДХ давлатлари рақобат зонаси тахминан 7-8 фоизни ташкил этади. М.Ишмухамедовнинг UNCTAD маълумотлари асосида ўтказган тадқиқотлари натижаларига кўра, ушбу мамлакатлар иқтисодиётини нормал ҳолга келтириш учун яқин 5-7 йил ичида 300-350 млрд.долл. миқдорида инвестиция жалб этилиши зарур. Фақат

¹ Материалы российско-европейского центра экономической политики //Обзор российской экономики. 2000. Апрель

ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмини модернизациялаш ва алмаштириш учун 18-24 млрд.долл. талаб этилади¹.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти асосан:

республикамининг хом-ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар қуриш имкониятининг мавжудлиги;

иқтисодиёт тармоқларидаги аксарият ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жихатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жихатдан қайта жиҳозлашга мансуб бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;

саноат ишлаб чиқаришида моддий-техника базасининг етарли даражадан пастлиги ва оқибатда, кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;

республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг номутаносиблиги натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;

аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоқда замонавий мўъжаз корхоналарни барпо этиш зарурлиги;

республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги кабилар билан асосланади.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларни жалб этиш, соғлом инвестиция муҳитини яратиш ва айни пайтда, мамлакат иқтисодий

¹ Деловой партнер, №37 (650) 14 сентябрь 2006. С.4-6

хавфсизлигини таъминлаш, унинг илмий ва технологик салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш ниҳоятда мураккаб ва комплекс вазифа бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, мазкур ҳолатни яхшилаш учун қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифалар ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, мамлакатда доимий сиёсий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш;

иккинчидан, хорижий инвесторлар учун умумий қулай бўлган режимни шакллантириш (кейинчалик “бир эшик” тамойилида фаолият юритадиган ҳужжат берувчи ва қабул қилувчи ёки визаларга рухсат берувчи мутасадди шахслар, инвесторларнинг шахсий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлайдиган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари ва оддий фуқароларнинг хорижликларга муносабати масалаларини қамраб оладиган кенг доирадаги тадбирларни амалга ошириш);

учинчидан, аниқ белгиланган давлат концепциясини ва унинг асосида – хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича иқтисодий ва сиёсий стратегияни шакллантириш (масалан, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш; халқаро ва миллий қонунларга риоя этган ҳолда асоссиз имтиёзларни йўқотиш ёки уларга йўл қўймаслик). Инвестиция жараёнларини рағбатлантириш учун давлат халқаро ва миллий инвесторларни бир қатор хатарлардан муҳофаза этиши лозим (масалан, сиёсий, миллий ва ҳ.к.);

тўртинчидан, замонавий тармоқ тузилмасини шакллантириш. Бу нарса Ўзбекистондаги корхоналарнинг хорижий корпорациялар ва молия гуруҳлари билан самарали рақобат олиб боришлари учун зарур. Афсуски, айрим жаҳон товар бозорларида республикамиз фақат ўз хомашёлари билан иштирок этади;

бешинчидан, замонавий ва рақобатбардош бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш;

олтинчидан, инвестиция фаолиятини таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш (масалан, бизнес-мактаб дастури, халқаро

инвестициялаш соҳасида менежерлар тайёрлаш бўйича махсус дастурлар доирасида);

еттинчидан, республика, минтақа ва маҳаллий даражада хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш. Бунда албатта, ҳукуматлараро ва кўп томонлама келишувларнинг шартлари, хорижий инвесторлар ва Ўзбекистон минтақаларининг манфаатлари бир хил даражада ҳисобга олиниши зарур.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар қуйидаги методологик ва услубий ёндашувлар ҳисобига самарали ҳал этилиши мумкин:

- жаҳон капитал бозори, унинг сиғими, миграцион оқимлари ва конъюнктура тенденцияларини комплекс тадқиқ этиш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича имкониятлар ва эҳтиёжларни тизимли тадқиқ этиш ва бозор стратегиясини аниқлаш;
- Ўзбекистонга хорижий инвесторлар кириши учун ички ва ташқи бозор муҳитини комплекс таҳлил қилиш;
- хорижий инвестициялаш объекти сифатида Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларини рақобат нуқтаи назаридан қиёсий баҳолаш;
- халқаро инвестициялаш жараёнининг барча иштирокчилари учун тадбиркорлик хатарларининг тавсифи ва фойдасини баҳолаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий капитал қўйилмалар киришини рағбатлантиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- муайян соҳаларга хорижий капитал киритилишидаги маркетинг қарорларини таҳлил қилиш ва улар устидан доимий назорат ўрнатиш, хорижий инвесторлар олиб борадиган энг самарали ишларни кузатиб бориш ёки доимий мониторингини ташкил қилиш.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва мамлакат ўз (кўпроқ ссуда) капиталининг четга чиқиб кетишига барҳам бериш учун асосий вазифани, яъни қулай инвестиция иқлимини шакллантириш, шу

жумладан, мамлакат капиталининг хорижга оқиб кетишини камайитиришга хизмат қиладиган шароитлар яратиш вазифасини ҳал этиш зарур.

1.3. Иқтисодий ривожланишида чет эл инвестицияларини таъсири ва аҳамияти.

Инвестиция оқимининг иқтисодийга таъсири турли-туман бўлади, бироқ унинг турига қараб бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ички инвестицияларнинг имкониятлари чегараланган ҳолатларда бўш турганлиги бўйича молиявий ресурсларнинг нисбатан ортикчалиги кузатилганда капитални четга олиб чиқиш талаб ва таклиф қонуни ҳаракати натижасидаги мамлакатда ўртача фойда меъёрининг пасайишини олдини олади, демак ана шу миллий хўжалик доирасида тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини ушлаб туришга ва мамлакатдаги иш жойларини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Бундан ташқари бошқа мамлакат ҳудудида олинган юқори даромад ҳисобига миллий иқтисодий қайта инвестициялаш мамлакат олдида хўжалик тараққиёти суръатини ошириш истикболларини очади.

Капитал олиб чиқишдаги кутилиши мумкин бўлган салбий оқибатлар экспортёрнинг фабул қилиб олувчи мамлакат олдида унинг бозорларида хукмрон мавқеига эга бўлган билвосита таъсир билан компенсацияланади.

Инвестиция импорт қилувчи мамлакатлар ўз инвесторлари ва кредиторларига иқтисодий жиҳатдан тобе бўлиб қолишади.

Мамлакатда капитал қўйиш устун истикболли соҳалар мавжуд бўлса-ю, ички молиявий ресурслар етишмаса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш миллий фойда меъёрининг жаҳондаги ўртача миқдоридан юқори бўлишига имконият беради. Қўшимча капитал қўйилмалари натижасида импортёр – ялпи ишлаб чиқариш ҳажми камаяди.

Бу эса янги иш жойларининг очилишини, хом ашёга талабнинг ошиши ва хориждан инвестиция олган ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлар экспортининг камайишига олиб келади.

Чет эл капиталини жалб қилишнинг салбий жиҳатларига энг аввало, бу капиталнинг инвесторлар учун энг фойдали соҳаларга ташланишини кўрсатиб ўтиши мумкин, бу хўжалик тузилмасидаги номутаносибликни кучайтириши мумкин.

Даромаднинг импортёр мамлакат иқтисодий маконидан чиқиб кетишини ҳам назардан қолдирмаслик керак. Импортёр –мамлакатлар байналминал иқтисодий ташкилотларнинг давлатлараро ёрдам дастурлари ва молиявий кўмаклашиш лойиҳалари билан бир қатор миллий хўжалик комплексларнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи тўғри хорижий инвестициялар асосий манбаи бўлган йирик трансмиллий корпоратцияларнинг ўсиб бориши ва фаоллигига дуч келишмоқда.

Шунинг учун ҳам ТМК фаолиятини ўрганиш жаҳоннинг турли мамлакатлари иқтисодиётида инвестицияларнинг роли ва аҳамиятини ифода этувчи иллюстрация сифатида катта қизиқиш уйғотади.

Тўғри капитал қўйилмаларини амалга ошириш ҳар қандай иқтисодиётнинг юрагига – ишлаб чиқариш босқичига таъсир қилади. У инвесторга тадбиркорлик фойдасини олиш билан бирга капитал қўйилган объект устидан бошқарув назоратини таъминлаш имконини беради.

Экспортларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тўғри хорижий инвестицияларнинг йирик умумий ҳажми 2000 йилда 500 млрд.доллардан ошиб кетди. (1995 йилда 315 млрд.доллар) тўғри инвестицияларнинг асосий ... йирик корпоратцияларнинг шаҳобчалари ва шўъба корхоналари, шунингдек, 10 фоиздан 50 фоизгача хорижий капитал улушига эга бўлган акциядорлик капиталлари, бошқа қўшма корхоналари низом капиталига қўйилган маблағлари ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда инвестициялашнинг ўзига хос белгилари қуйидагилар саналади:

- фойдани қайта инвестициялаш ролининг кучайиши (айниқса, йирик корпоратциялар ичида):
- инвестиция акцияларини давлат томонидан тартибга солишнинг эркинлаштирилиши.

Портфель инвестициялар тўғри инвестициялардан мақсадларига кўра фарқ қилади, яъни улар капитал қўйилган объектни назорат қилиш ҳуқуқини бермайди, фақатгина “портфель”даги сотиб олинган улушга мос равишда даромад олиш ҳуқуқини беради, фойда бу улуш халқаро амалиётда 10 фоиздан ошмайди.

Аниқ бир компаниянинг инвестиция “портфель” анъанавий акциялардан ташқари, облигациялар, депозит сертификатларидан ташқари, яна гаров гувоҳномалари, суғурта полислари, ваугер кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Портфель инвестицияларининг ҳаракати кўпроқ давлат ёки хусусий компаниялар томонидан у ёки бу кўринишдаги қимматбаҳо қоғозлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларидаги фарқ миқдорига боғлиқ.

Жаҳон статистикасида портфель инвестицияларга юқори даражада таваккалчиликнинг бошқа шалкллари билан боғлиқ лойиҳаларга венчур капитал қуйилмалари ва жисмоний шахсларнинг суғурта ҳамда нафақа фондларига аннунитет (шахсий жамғарма) қуйилмаларини ҳам киритилади.

Одатда портфель инвестицияларни йирик хусусий инвестицион банклар воситаси сифатида амалга оширади. Тўғри ва портфель инвестициялар солиштирилганда шу ҳолда амин бўлишимиз мумкинки, тўғри инвестиция киритишда инвесторни капитал қўйиш объекти қизиқтиради.

Хорижда инвестиция қабул қилаётган ҳар бир мамлакатда уларнинг ўзигагина хос бўлган инвестицион муҳит мавжуд. Инвестицион муҳит – мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуасидир.

Бу мажмуа ўз ичига қуйидаги асосий шартларни олади:

-миллий иқтисодиётнинг умумий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар (ЯИМ ҳажми, ЯИМ нинг ўсиш суръатлари, инфляция ва, ишсизлик даражаси, ишчи кучи қиймати ва хоказолар).

-инвестицияни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсати (айниқса хўжалик амалиётига давлат аралашувининг табиати ва кўринишлари),

-мавжуд хўжалик фаолияти қонунчилиги , энг аввало, инвестиция оқимларини тартибга солиш соҳасида.

-мамлакатни халқаро ташкилотларда иштироки.

Кўрсатиб ўтилган оқимлардан келиб чиқсак, энг қулай инвестиция муҳити бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мавжуд, зеро бу давлатларда “Халқаро инвестициялар учун тамоиллар” (1972 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан тасдиқланган) ва “Капитал ҳаракатини эркинлаштириш модели ” (иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 1961 йилда қабул қилинган) каби асосий меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

Айни пайтда кўпгина ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларда миллий ишлаб чиқарувчиларни ички бозорда ҳимоялаш мақсадида хорижий капитал қуйилмалари йўлига тўсиқлар қўйилган ва чеклашлар сақланиб қолган.

Масалан, маҳаллий корхоналарда хорижий мулкка лимит ўрнатилади, фойдани олиб чиқиб келиш қаттиқ назорат остига олинадт; валюта оператциялари тартибга солинади.

Бундан ташқари, ривожланмаган иқтисодий муҳитга чет элдан молия ресурсларини кириб келишга юқори даражадаги сиёсий хавф-хатар ва хўжалик ҳаётининг криминаллашуви ҳам жиддий тўсиқ бўлади. Бундай шароитда хорижий инвесторларни давлат томонидан ва халқаро миқёсда кафолатлаш муҳим роль ўйнайди.

Бундай кафолатлашларни Умумжаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотлардан бири – инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик тақдим этади.

1992 йилда бевосита чет эл инвестицияларини оладиган энг йирик ривожланаётган мамлакат Хитой бўлди. 1993-96 йилларда ривожланаётган мамлакатларга кириб келаётган бевосита чет эл инвестицияларининг умумий оқимига нисбатан Хитойнинг улуши 36 % ёки йилига ўртача 35 млрд. АҚШ долларига, 1997 йилда 30,4 % ёки 45 млрд. АҚШ долларига тўғри келди.

ХХР нинг савдо вазири Бо Силай жаноблари таъкидлашича, 2006 йил Хитой иқтисодига кириб келган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар ҳажми 2005 йилга нисбатан 5 %га ўсди ва рекорд 63 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2005 йилда Хитой 60,33 млрд. доллар ҳажмидаги тўғри чет эл инвестициясини жалб қилди, 2004 йили эса 60,6 млрд. доллар.

ХХР Савдо Вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларда, молия секторига киритилган чет эл инвестицияларини ўз ичига олмайди.

ХХР ислохотлар ва ривожланиш бўйича миллий комиссияни нашр этилган ҳисоботида кўрсатилишича, 2006 йил хитой иқтисодий ўсиши 10,5 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг Хитой ЯИМнинг ҳажми 20 трлн юань (2,6 трлн доллар) ни ташкил этди. Нашр этилган маълумотлар экспертлар берган башоротлар билан тўғри келди.

2007-2008 йиллар мобайнида Хитой ҳукумати ўртача 7,5 % иқтисодий ўсиш кутилмоқда.

Агар хитой “давлат режаси” башоратлари кутилганидек чиқса, у ҳолда ЯИМ ўсиш суръати давом этиши ва иқтисодни қизиқ кетиши хавфига олиб келади. Иқтисодий ўсиш билан бирга ХХР савдо профицитини ўсиши ҳам давом этмоқда.

Жаҳон иқтисодининг ҳозирги ривожланиш босқичида аралаш компанияларнинг тузилиши ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам, трансмиллий корпорацияларнинг ҳам манфаатларини қониқтиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг саноат компанияларига ҳалқаро имкониятлар иштирокини ташкил этиб, биринчидан:

-капитал, натурал-моддий шаклдаги капитал тақчиллиги муаммосини маълум даражада ҳал қилинади.

- ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар киритилади, ун ташкил этиш тажрибаси ўзлаштирилади, маҳсулотни кафолатли сотиш имконига эга бўлади ва ҳ.к.

Иккинчидан, миллий давлат томонидан трансмиллий корпоратциялар фаолиятини назорат қилиш доираси кенгаяди.

Глобаллашиш кучайиши туфайли бутун дунё бўйлаб қисқа муддатларда капитал, ишлаб чиқариш, товарлар, интеллектуал салоҳият, меҳнат ресурслари, ахборотлар ва бошқаларнинг кўчиши жараёни жадаллашади.

Шунинг учун ҳам миллий иқтисод соҳиблари ўз инвестиция сиёсатини юритишда бу вазиятни ҳисобга олиши зарур бўлади.

Глобаллашиш ишлаб чиқаришнинг кўчишига ва унинг оқибати сифатида ишлаб чиқариш кўчиб кетган маҳаллий даражада мураккаб иқтисодий вазиятларнинг (ишсизлик, бюджетга солиқ тушумларини камайиши) юзага келишига сабаб бўлади.

Охир оқибат, глобаллашиш молия операцияларининг эркинлашувига, халқаро меҳнат тақсимотига, миллатлараро корпоратцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Кейинги 20-25 йил мобайнида трансмиллий корпоратциялар шўъба ёки қўшма корхоналар тузишдан воз кечмаган ҳолда (бу учун хали ҳам чет эл капиталининг маҳаллий иқтисодда иштрок этишнинг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади) ривожланаётган мамлакатларнинг компаниялари билан битимли муносабатларини (технология етказиб бериш тўғрисида корхонани жиҳозлаш ёки қуриш бошидан то охиригача қуриш ҳақидаги, мутахассислар тайёрлаб бериш тўғрисида ва ҳ.к.) йўлга қўйишга борган сари кўпроқ ҳаракат қилмоқда.

Чет эл корпоратциясининг саноат объектларини бошидан охиригача (“калит топширилгунча”) қуриш деганда уни маълум муддат ишланиб, кейин қабул қилувчи мамлакат ҳукуматида топшириш тушунилади. (Бу усул асосан ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади).

Бундай компания ёки корхонада иштирок этадиган чет эл монополияси ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг муайян қисмини сотиб олиш, баъзан жаҳон нархларидан арзонроққа сотиб олиш (берилган кредитлар, жиҳозлар ва турли хизматлар эвазига) ҳуқуқига эга бўлади. Транс ва кўп миллатли концернлар мулкка эгалик қилишдан битимли муносабатларга ўтганда чет эллардаги кўпчилик юридик жиҳатдан мустақил фирмаларни акциядорлик капитали, шахсий муносабатлар орқали эмас, балки бу фирмаларни технологик ва ташкилий жиҳатдан ўзларига боғлаб қўйган ҳолда тасарруф қиладилар.

1.4. ХХР да иқтисодий ислохотлар бошланиши босқичлари, мақсадлари ва вазифалари.

1979 йилдан бошлаб, Хитой иқтисодий ислохотлар тизимига қадам қўйди ва фақатгина 1992 йилдагина социалистик бозор иқтисодиёти модели расмий тарзда тасдиқланди. Ўтган 10 йилликларда Хитой иқтисодиётидаги бозорнинг роли ва унинг ташқи дунё учун очиклик даражаси бир мунча ошди.

Унинг иқтисодий ривожланиш суръатлари сезиларли равишда тезлашди. 1979-2006 йилларда ЯИМ нинг ўртача йиллик ўсиши 9,9 % ни ташкил этди. Натижада, аҳоли яшаш даражаси ўсиб борди.

1978 йил декабрь ойида ХКП МК нинг 11 чақириқ 3 пленуми бўлиб ўтиб, унда малакатда олиб борилаётган иқтисодий қурилишларнинг бош линияси тасдиқланди, ҳамда сиёсий очиклик ва ислохотларга йўл очиб берди. Иқтисодий ислохотлар мақсади қадам-бақадан режали иқтисодиётдан, бозор иқтисодиётига ўтиш бўлиб, унда қуйидаги тамойилларга таянилди.

“Социализмнинг мазмуни- ишлаб чиқариш кучларига мустақиллик бериш, унинг умумий мақсади эса,- “барча мамлакатда яшаётган аҳолининг фаровонлиги”га эришишда эксплуатацияга барҳам бериш ва фарқланишни йўқотишдир”.

Ислохотларнинг бошида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

- 1.Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш.
- 2.Аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш.
- 3.Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш вазифалари бўлди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун “Тўртлик модернизацияси” дастури қабул қилинди. Ушбу дастурга биноан, қуйидаги соҳаларни модернизациялаш (янгилаш) зарурлиги белгилаб олинди:

- 1.Саноатни ривожлантириш.
- 2.Харбий кучларни мустаҳкамлаш.
- 3.Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.
- 4.Фан ва техника ютуқларини эгаллаш.

“Тўртлик модернизация” дастури орқали Хитой хлқ ҳукуматини тиклаш ҳамда уни ривожлантириш ишлари 1978 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ХКП МКнинг 11 чақириқ 3-плenumsида ўз ифодасини топиб, уни амалга ошириш босқичлари аниқланди.

Мамлакат аҳолиси ва ҳудудининг маълум бир қисмининг бойиб бориши, буни умумий мақсад йўлидаги қўйилган биринчи қадамлар эди.

Шарқий Осиё минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ислохотларнинг бошланғич даврида турли ҳил районларнинг иқтисодий ўсишида фарқларнинг юзага келиши табиий ҳолдир.

“Тўртлик модернизацияси” дастури орқали қишлоқ хўжалигини тиклаш ва уни кўтариш кўзда тутилар экан, аввало 2 дарё оралиғидаги серҳосил ҳудудларни ислоҳ қилиш мақсад қилиб қўйилганлигини қайд қилиш лозимдир.

Қишлоқ хўжалигида ерларни деҳқонларга ижарага берилиши, давлат буюртмаларини қисқартирилиши ва унга сифат жиҳатдан янгича қаралиши натижасида, деҳқонларни ишлаб чиқаришга бўлган муносабати аста-секин ўзгара борди.

Ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бориб, 2000 йиллар бошида мамлакатдаги озиқ-овқат муаммоси деярли ҳал этилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари -2,2 маротабага, шулар жумласидан, дон етиштириш – 42,8 % га, пахта етиштириш-2,6 маротабага, қанд лавлаги етиштириш-3,5 маротабага, гўшт етиштириш эса-3,7 маротабага ошди.

Хитой саноатининг ислоҳ қилиниши, 1949 йилда, яъни ХХР ташкил қилинган даврда, хитой саноатининг ривожланганлик даражаси жуда паст эди. Асосий фондлар 12,4 млрд. юанни ташкил этиб, саноатнинг товарларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам жуда паст бўлган.

Масалан, текстил саноатида ишлаб чиқарилган ип-толеси йилига 3327 минг тоннани, кўмир қазиб чиқариш эса- 32 минг тоннани ташкил этиб, асосий саноат учун хом ашё ва тайёр маҳсулотлар хориждан келтирилар эди.

1949-1978 йиллар давомида Хитой саноати бир томонлама ривожланган бўлиб, асосан харбий саноатни ўз ичига олар эди. 1980 йилда ХХР Ҳукумат кенгаши “Хўжалик бирлашмаларини қўллаб-қувватлашнинг чора ва тадбирлари ҳақидаги” махсус қарорини чиқаради. Горизонтал хўжалик бирлашмаларига турли ҳил соҳа корхоналари кирган бўлиб, унинг натижасида йирик корхоналар гуруҳи ташкил этилди.

Бу даврда хўжалик субъектларининг фаолиятида бошқарув муносабатлари, мулкчилик шакллари ва солиқларнинг турлари ўзгаришсиз сақланиб қолинди.

Хитойда саноатни ислоҳ қилиш асосан, 1984 йилдан бошланди. Дастлаб тажриба сифатида хўжалик корхоналарида солиқ имтиёзлари берилиб, ўз-ўзини таъминлаш тизимига ўтила бошланди.

1986 йилда Хитой ҳукумати “Хўжалик корхоналарини горизонтал бирлаштиришнинг баъзи бир жиҳатлари тўғрисидаги” қарорини қабул қилди ва уни эълон қилди. Бу қарорда давлат корхоналарини қайта ташкил этиш моделлари кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг имтиёзлар берилди.

Энергетика, электроника, машинасозлик, авиасозлик, химия, озиқ-овқат саноатларини жуда юқори суръатлар билан ривожланди.

Хорижий технологиялар асосида маиший техника (телевизорлар, совуткичлар, аудио-аппаратуралар) ишлаб чиқарила бошланди. Бу қилинган ишлар эса, аҳолини турмуш шароитини яхшиланишга олиб келди. 1978-2004 йилларда ялпи саноат ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 12 % ни ташкил этди.

1988-1990 йиллар. Хитой иқтисодий ислохотларида тубдан бурилишлар даври бўлди.

Бу даврга келиб, Хитой қишлоқ хўжалиги, саноати ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги олиб борилган ислохотлар ўз натижаларини бераётган бўлиб, Хитой халқи эса, бозор иқтисодиёти ва тушунчалари, қонун-қоидаларига ўз муносабатларини билдираётган эди.

1988-1989 йилларда ХХР пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган оммавий намойишлар (Пекин шаҳрининг Танъаньминь майдонида талабалар зилилар ўзларининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишди) мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар йўналишига жиддий таъсир кўрсатди. Қисқа вақт ичида жамият 3 га бўлиниб кетди.

Бир гуруҳ одамлар, юқори давлат амалдорлари соф социалистик тузум ва мафкурасини сақлаб қолишга интилган бўлсада, жамиятнинг аксарият фаоллари бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтишни талаб қилиб чиқдилар.

Хитой иқтисодий ислохотлари бош архитектори ҳисобланган Ден Сяс Пин Хитой Халқ республикасининг кейинги ривожланиш йўлини белгилаб бериб, қуйидаги тамойилларни эълон қилди:

1. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмаслик,
2. Режа социализмга эквивалент эмас, шунингдек бозор ҳам капитализмга эквивалент эмас. Режа ва бозор иқтисодиётидан иккала тизимда ҳам фойдаланиш мумкин.

3. Инсонни онгини ўстириб, уларнинг моддий бойликларини кўпайтиришда кўмаклашиш.

1990 йиллар бошларида “Хитойга социалистик бозор иқтисодиёти” тизими тўлиқ шаклланди ва қарор топди. 1992 йил 12 октябрда бўлиб ўтган ХКП нинг 14- Умум Хитой съездида 1990-2000 йилларда Хитой жамиятини қуриш йўналишлари ва ислоҳ қилишнинг асосий мақсади ва уларни вазифалари белгилаб олинди.

Биринчидан, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг суръатларини тезлаштирилиши лозимлиги:

А) Давлат корхоналарида хўжалик юритишнинг механизмларини қайта шакллантириш айниқса, йирик ва ўрта давлат корхоналарини бозор талабларига яқинлаштиради ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш,

В) Бозор тузуми инфратузилмасини такомиллаштириш, истъмолатоварлари бозорини, ишлаб чиқариш воситалари бозорларини, молия бозорларини ислоҳ қилиш нархланишини қайта кўриб чиқиш;

С) Ижтимоий таъминот ва тақсимот тизими ислохотларини чуқурлаштириш.

Давлат, жамоа ва хусусий манфаатларини инобатга олган ҳолда, миллий иқтисодиётдаги тақсимотни амалга ошириш, яъни давлат ва жамоа корхоналари, марказ ва жойлардаги даромадлар тақсимотини мувофиқлаштириб бориш, иш ҳақи тўлашни тартибга солиб туриш.

Шу билан бирга, ижтимоий таъминот тизимини интенсив равишда такомиллаштириб бориш аҳолини иш билан таъминлаш, нафақа ва тиббий таъминотни яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириб бориш.

Иккинчидан, хорижий ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий сармоялардан, табиий ресурслардан, техника ва технологиялардан ва бошқарув тажрибасидан самарали фойдаланиш. Хитой эркин иқтисодий зоналарнинг ташқи дунёга очиклигини кенгайтириш. Пудун иқтисодий зонасини ривожлантириш, Шанхай шаҳрини минтақадаги Халқаро молиявий

иқтисодий марказга айлантириш лозимлиги. Ундан ташқари, Янцзи ҳавзаси шаҳарларини, Гуандун, Фунзянь, Хайиань ва Бохай зонасидаги шаҳарларни ташқи дунёга кенгроқ очиш мезонлари белгилаб олинди.

Учинчидан, ишлаб чиқариш структурасини сифат жиҳатдан тартибга солиш ва унинг самарадорлигини ошириш “3 та индустрия” ни ривожлантириш (яъни, қишлоқ хўжалик индустрияси; устувор саноат тармоқлари индустрияси ва хизмат кўрсатувчи индустриясини ривожлантириш);

Тўртинчидан, илмий техникавий тараққиётни ривожлантириш, таълим ва маърифатни мамлакат ҳудуди бўйлаб баравар ривожлантириш. Марказий ва ғарбий районлардаги ишчиларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш ва илмий техникавий тараққиёт ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўллари белгилаб олинди.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш босқичлари :

I босқичда Хитой ўз олдида мамлакат ЯММ ни 1985 йилларга келиб, 1978 йилга нисбатан икки баробар кўпайтириш ва аҳолини озиқ-овқат ва кийим бош билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш вазифаларини белгилаб берган эди. Амалда, бу босқич 1980 йилларга келиб муддатидан олдин бажарди.

II босқичда Хитой ҳукумати мамлакат ЯММини 2000 йилга қадар 1980 йилга нисбатан 4 баравар кўпайтириш белгиланган эди, амалда эса, 1990-1995 йилларда иқтисодий ўсиш жуда юқори бўлганлиги сабабли, бу режа ҳам муддатидан олдин бажарилди.

1995 йилда **III босқич** (1996-2000 йиллар) мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Унда иккинчи босқичнинг стратегик вазифаларини тўлиқ амалга ошириш, 2000 йилга қадар аҳолини 300 млн.га кўпайишини инобатга олган ҳолда, 1978 йилга нисбатан ЯММ ни аҳоли жон бошига тўғри келишини тўрт бараварга ошириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаб ўрта ривожланган индустриал мамлакатлар қаторига етказиш мақсад қилиб қўйилди.

IV босқич 2000-2010 йилларда миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш, мамлакатни ЖСТ (яъни жаҳон савдо ташкилотига) аъзо бўлишини таъминлаш, ҳамда ХХР ни ривожланган индустриал мамлакатлар қаторига олиб чиқиш белгиланган.

II-боб. Хорижий сармоялар жалб этишнинг таҳлили ва унинг истиқболлари.

2.1. Сармоя киритишда ТМКлар фаолияти ва эркин иқтисодий ҳудудлар ва технопаркларнинг аҳамияти.

Ўз таркибига бош бошқарув марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқариш ва амлга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда хўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация (ТМК) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос “умуртқа поғонаси” бўлган замонавий ТМК ларининг характерли белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш.

- турли давлатларда шаҳобчалар, шўъба ва асоцияланган компанияларнинг катта тармоғини шакллантириш.

- иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш.

- компаниялар, ишчи кучи, ахборот кўчиши (трансфери)нинг фирма ичкарисидagi каналларнинг кўплиги.

Ишлаб чиқариш қувватларини кўплигини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли ҳудудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш (диверсификациялаш) бундай диверсифатцияларга халқаро меҳнат тақсимооти шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни умумлаштириш ва хўжалик ҳаёти интернациялашувини юксак даражада халқаро корпоратцияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун иқтисодий асосдир.

Улар ўз шаклларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- трансмиллий корпоратциялар (ТМК)
- халқаро (миллатлараро) корпоратциялар (МК)

Трансмиллий корпоратциялар капитали ва назорати бўйича миллий, лекин ўз фаолиятига кўра халқародир.

Трансмиллий корпоратциялардан фарқли равишда халқаро (миллатлараро) корпоратциялар эгалари битта давлатнинг эмас, балки икки, уч ёки бир неча давлатлар капиталларининг эгалари ҳисобланади.

Уларнинг энг муҳим хусусияти-акциядорлик капиталини халқаро кўламда бўлиб – бўлиб жойлаштириш компания ёки концерн таркибининг кўп миллатлилигидир.

Хитой Халқ Республикаси Тижорат Вазири ўринбосари Ма СЮ Хуннинг хабар беришича, 27 йил давомида хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати ва ислохотларни амалга ошириш натижасида, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони 570 мингдан ошди, улар томонидан киритилган чет эл инвестицияларини умумий қиймати 665 млрд АҚШ долларини ташкил этди.

2006 йил сентябрь ойи охирларига келиб, Хитой иқтисодиётига киритилган чет эл инвестиция оқимининг манбалари жаҳоннинг 200 дан ортиқ минтақа ва мамлакатларини ўз ичига қамраб олади. Чет эл инвесторлари томонидан Хитойда 800 дан зиёд ривожланиш масалаларини ўрганувчи марказ ташкил қилинди. Хитой иқтисодига ўз капиталларини киритган энг йирик халқаро корпоратцияларни 500 тасидан 480 таси ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Чет эл инвестициялари Хитой иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатди:

2005 йил чет эл капитали иштирокидаги корхоналар маҳсулоти қўшилган қиймати 11,9 трлн юань га етди, умумий саноат маҳсулотларига қўшилган қийматининг 29 % ини ташкил этди.

20 асрнинг иккинчи ярмида жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим ходисалардан бири эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти ҳисобланади.

Япониянинг Киото шаҳрида 1973 йил 18 майда қабул қилинган “Божхона жараёнларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича Халқаро конвенция” га мувофиқ эркин ҳудуд деганда мамлакатнинг шундай ҳудуди тушуниладики, бу ерда олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун эркин ҳудудлар амалда ҳудуддаги ишчиларнинг турмуш тарзи ишлаб чиқариш салоҳиятини концепциялашуви кабиларга кўра, жиҳатидан махсус ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларга “махсус иқтисодий ҳудудлар” атамаси мос келади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратилишига уларнинг ташкилотчилари томонидан очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида қаралади. Уларнинг фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва тезлаштириш билан боғланади. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги иқтисодиёт ташқи олам учун юқори даражада очиқликка, бу ердаги божхона, солиқ ва инвестиция режимлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулайликка эга. Эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон миқёсида ҳаракатланувчи капиталлар учун ўзига хос “қалқон” ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни юзлаштиришга қаратилган ҳодиса, яъни хорижий капитални жалб қилишдан ташқари қуйидаги уч асосий вазифалар билан боғланади:

-саноат экспортини рағбатлантириш ҳамда мана шу асосида валюта маблағларига эга бўлиш.

-бандлик даражасини ўстириш.

-ҳудудий хўжалик юритишнинг янги усуллари синаш майдончасига айлантириш.

1980 йилдан бошлаб Хитойда чет эл инвестициясини жалб қилиш, илғор технологиялардан фойдаланиш, бошқарув тажрибасини ошириш мақсадида махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил қилинди.

1980 йили биринчи тўрттаси Шеньчжень, Чжухай ва Шаньжоу булар Гуандун провинциясида, Фунзунь провинциясида Сямень махсус иқтисодий ҳудудлари ташкил қилиниб, Хитойнинг жануби-шарқий денгиз соҳиллари бўйида жойлашган.

1988 йили Хитойни жанубида Хайнань махсус иқтисодий ҳудуди ташкил қилинди. 1990 йили эса Хитой марказий Ҳукумати томонидан янги Шанхай районида қирувчи Пудудь махсус иқтисодий ҳудудини тасдиқланди.

Биринчи махсус иқтисодий ҳудуд 1979 йили ташкил топган бўлиб, бу Шенчжень ҳисобланади. Шеньчжень ўн йилдан кам муддат ичида аҳолиси 2 млн кишини ташкил этган замонавий ғажарга айланди. 1990 йили чет эл капитали иштирокидаги 3000 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатган бўлиб, улар дан 2000 га яқин қўшма капитални, 354 таси эса чет эл капитали корхонани ташкил этди.¹

Хитойнинг махсус иқтисодий ҳудудларини асосий хусусиятлари қуйидагилар:

1.Бозор бошқаруви тамоиллари асосида мустақил иқтисодий ривожланиши;

2. Чет эл капитал қуйилмаларига таянганлик;

3. Асосий замонавий соҳа – саноат:

4. Ишлаб чиқаришни экспортга қаратилганлик, хом ашё импорти;

5.Кенг миллий регионларини қўшилиши;

6.МИХ ни мамлакатнинг қолган территориясига фаол таъсир кўрсатиши;

7.МИХ ни регионал хусусиятларига кўра солиқ тизимини дифференциацияланганлиги.

Махсус иқтисодий ҳудудларни асосий мақсадлари:

¹ Друзник Я.С. Свободные экономические зоны // М: 2000, с 135.

-чет эл капиталини, илғор техника ва технологияларни жалб қилиш, бошқарув тажрибасини ўрганиш, миллий кадрларни тайёрлаш

-экспорт валюта тушумини кўпайтириш

-ислохотларни рағбатлантириш, тадбирларини дастлаб қўллаш

-табiiй ресурслардан самарали фойдаланиш

-мамлакат иқтисодий ривожини рағбатлантириш, чет эл юқори технологиясини ва бошқарувини мамлакатни ички районларига олиб кириш.

-Гонконг (1997 й) ва Макао (1999 йили) кўшилиши ҳисобига “Буферлар”ни ташкил қилиш.

-Хитой миграцияси молиявий имкониятларини мобиллаштириш.

Махсус ҳудудларни барча турлари жойлашган регионларни тез ривожланишини таъминлаш.

Хитой МИҲларини ривожланишига қулай шарт-шароит яратувчи объектив омилларга :

Ишчи кучини кўп ва арзонлиги, қулай географик жойлашуви (денгизга чиқиш, портларни мавжудлиги) Гонконг, Макао ва Тайвань яқинлиги, Хайнаньда –туризмни ривожланиши учун керакли табiiй ресурсларни мавжудлиги, субъектив омилларга эса: 1978 йилда белгиланган очиклик ва ислохотлар йўналиши, чет эл капитали учун юридик кафолатлар, ҳудудни ривожлантириш мақсадида мамлакат бўйлаб ресурслар оқимини келиши кабилар киради.

2002 йилни бошларига келиб, Хитойда 6 та махсус иқтисодий ҳудудлар, 30 дан ортик давлат иқтисодий ва техник ривожланиш ҳудудлари, 14 очик портлар ва бошқа эркин савдо, божхона ҳудудлари ташкил қилинди.

Шеньчжень МИҲи инвестициялар умумий ҳажми 22,4 млрд АҚШ долларини ташкил этган 17,5 минг корхоналари мавжуд бўлиб, уларни 85 % Гонконгга тегишли. Инвестициялаш соҳалари ядровий энергетика, электроника, машинасозлик, инфратузилмалар, молия, юқори технологиялар.

Чжухай МИҲи 1980 га яқин чет эл инвестицияли корхоналари мавжуд. Киритилиш соҳалари : хизмат кўрсатиш соҳаси, оғир саноат, электроника,

порт ва йўл қурилиши ва бошқалар. Капитални 80 % и Гонконг, Макао, тайвань ва Сингапур инвестицияси.

Сямень МИҲи чет эл капиталини қиймати 15 млрд АҚШ доллари бўлган 4150 корхоналар мавжуд бўлиб, 80 % - Тайвань томонидан. Инвестициялаш соҳалари-электроника, текстил, озиқ-овқат саноати, химия саноати.

Шаньжоу МИҲи- чет эл капитали иштирокидаги 3000 дан зиёд лойиҳалари мавжуд бўлиб, соҳалари нефть химияси, порт ва бошқа инфратузилмалар, кийим-кечак ишлаб чиқариш, пойафзал ва электроника, чет эл инвестицияси ҳажми 3,5 млрд АҚШ долларини ташкил этилиб, уларни 95 % ўз хитойлик вакиллар бўлиши Гонконг, Тайвань, Сингапур томонидан киритилди.

Хайнань МИҲида -7320 та корхона мавжуд бўлиб, инвестицияларни умумий ҳажми 22,3 млрд АҚШ долларини ташкил этади.

Пудунь МИҲ (90 йиллар бошида Шанхайни бир қисми ҳисобланарди)- 5405 лойиҳалар мавжуд бўлиб, соҳалари автомобильсозлик, электроника инвестициялар қиймати 27, 3 млрд АҚШ долларини ташкил этади.¹

1984 йили Сарик, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгиз соҳилларида жойлашган 14 та порт-шаҳарни “очирили” тўғрисида қарор қабул қилинди.

Денгиз бўйи “очиқ” шаҳарлар Хитойни соҳил бўйи ва ички регионларини ривожлантиришга мўлжалланган эди. Уларда бир қанча солиқ имтиёзлари қўлланилади. (масалан, юқори технология корхонаси даромад солиғи 15 % дивиденддан даромад процент, рента тўлови, роялтилар очиқ шаҳарларда инвесторлари учун – 10 % ни ташкил этади).

Комплекс ҳудудларга кўпчилик МИҲларни киритишимиз мумкин.

Бугунги кунда Фан ва техника вазирлигини маълумот беришга, турли ҳил юқори ва янги технологияларни ўзлаштириш бўйича 120 та ҳудуд мавжуд бўлиб, улардан 53 таси давлат аҳамиятига эгадир. Технопарклар

¹ Грачев И. Денги идут но не во всякую зону// Дело. Восток +Запад. №4. 2001 г. С 55-56.

ташкилий ва территориал жиҳатдан махсус иқтисодий ҳудудларга туташиб кетадилар. Бундай яқинлик парк олимларини ҳалқаро илмий-техник алмашинувларида қатнашиши ва хорижий компания билан ўзаро беради. ХХР ни МИХ лари фаолиятидаги муаммолар:

1. МИХ ларга капитал қўйишни катта қисми (тахминан 80% чет эл инвестициялари) Гонконгдан келиб чиқиши хитойлик бўлган шахслар томонидан киритилмоқда. Йирик, замонавий техник корхоналар ташкил қилиш қувватлашга эга трансмиллий корпоратциялар инвестициялари Хитойни бошқа ҳудудларига йўналтирилмоқда.

2. чет эл технологияларини жорий қилиш даражаси пастлиги, мутахассисларни етишмаслиги ва Хитой ишчи кучини малакаси пастлиги.

3. чет эл капиталини кириб келишига таъсир кўрсатувчи ишчи кучи ва ер ижарасига кетадиган ҳаражатларни олиши (ХХР ички ҳудудларига нисбатан МИХ ларда қўшма корхоналар тузиш ва фаолият кўрсатиши ўртача 5 қимматрок)

4. қўшма корхоналар тузилиши ва фаолият кўрсатишида мавжуд бюрократик тўсиқлар.

5. хом ашё ва энергия етишмаслиги.

6. МИХ лар бўйича ягона қонунни йўқлиги.

2.2. ЖСТга аъзо бўлиши, чет эл сармояларини киритишдаги ютуқлари.

Хитой ЖСТга қўшилиши мамлакат имконини тубдан ўзгаришига олиб келди. Мазкур мисли кўрилмаган силжиш Хитой 70 йилларни охирида ўз эшикларини очиб бериши орқали чет эл инвестициялар оқимини кириб келишига сабаб бўлди. Жаҳон Савдо Ташкилотига ёки бошқача айтганда “Халқаро савдо клуби”га аъзо бўлишидан сўнг, Хитой узок вақт давомида қўллаб келган икки томонлама чархлаш тизимини бекор қилиш ва чет эл капитали асосидаги компания ва корхоналар билан Хитойдаги маҳаллий

корхоналари фаолият кўрсатишларида бир хил шарт-шароитни яратиб беришга розилик билдирди.

Ҳар бир мамлакатни ЖСТ га аъзо бўлишида асосан икки мақсади турки бўлади:

Ўзаро муносабатларни камситмаслик ва миллий тизими.

Ушбу тамоиллар қуйидаги учта бош битимларда ўз аксини топади.:

-тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битими (GATT)

-хизматлар савдоси тўғрисидаги бош битим (GATS)

-интеллектуал мулк савдо ҳуқуқларини аспектлари бўйича битими (TRIPS)

Ҳозирги вақтга келиб Хитой ЖСТ га берган дадил ваъдалари асосида бир қанча янгидан –янги қонунлар ишлаб чиқилиб, тадбиқ қилинмоқда. Корхонани ташкилий ва ҳуқуқий турлари, Хитой ЖСТга қўшилгандан сўнг, чет эл инвесторлари учун аввал ёпиқ бўлган бизнес соҳаларини очиб бериши билан бирга хўжалик фаолиятининг ташкилий структураси ўзгаришсиз қолди.

1-жадвал.

Тўғри инвестиция шакллари (2001 йил охири)¹

Млрд. АКШ доллари

Корхона шакли	Амалдаги инвестициялар	Ҳажми (%)
Инвестиция ҳажми	395,223	100
Қўшма капиталли корхонаси	176,515	44,66
Қўшма ҳамкорлик корхонаси	77,725	19,67
Чет эл компанияси	133,891	33,88
Ўзлаштиришдаги	7,092	1,79

¹ Коммерция в Китае межконтинентальное издательство. Китай 2004 г. С 224

ҳамкорлик		
-----------	--	--

Ваколатхона

Хитойда ваколатхона очилиши ва уни фаолияти мамлакатда мавжуд бўлишни энг осон йўли ҳисобланади. Ваколатхона бош компанияни алоқа муассасаси бўлиб, юридик мақом берилмайди ва ўз навбатида мустақил равишда ўзини номидан иш юрита олмайди. Барча келишув ва битимлар Хитойдан ташқарида жойлашган бош компания томонидан имзоланиши лозим. Ваколатхоналар ўз маҳсулотларини реклама қилиш, тақдим қилиш, маркетинг тадқиқотлар олиб бориш билан бирга техник алмашинувлар билан шуғулланишлари мумкин.

Маҳаллий ишчиларин, иш билан таъминлаш бюроси орқали ёллашлари мумкин. Хитойга юборилган чет эллик бош вакилининг биринчи акредитацияси муддати уч йил қилиб белгиланган.

Ваколатхона фаолият кўрсатиши учун кўп ҳаражат талаб қилмаслиги туфайли, уни очилиши ва ёпилиши билан боғлиқ масалалар унчалик катта қийинчилик туғдирмайди. Ваколатхонани асосан Пекинда ёки Шанхай шаҳарларида очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи шаҳар Марказий ҳукумат резиденциялари ва Давлатни асосий корхоналари бош офислари жойлашган бўлса, иккинчи шаҳар ҳозирги кунда Хитойнинг йирик тижорат маркази ҳисобланади.

Қўшма капиталли корхона.

Мазкур корхона ўз ичига Хитой ва чет эл капиталини олган, юридик шахс мақомидаги маъсулияти чекланган корхона бўлиб, қатъий белгиланган муддатга таъсис қилинади. (одатда 15-50 йил).

ЖСТга аъзо бўлишдан олдин қўшма корхоналар фақатгина ўз маҳсулотини сотишга рухсат бериларди.

2-жадвал.2001 йил охирига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари киритилиш соҳалари.¹

Млрд. АКШ доллари

Уч индустрия ва тармоқлар доираси Шартнома қиймати	Чет эл инвестицияси	Хажми (% ларда)
Инвестициялар умумий хажми	745,291	100
Биринчи индустрия: Дехқончилик, ўрмон хўжалик, чорвачилик, балиқчилик.	14,071	1,89
Иккинчи индустрия: саноат	463,16	62,14
Учинчи индустрия:	268,06	35,97
1.Қурилиш	21,514	2,89
2.Транспорт ва юк ташиш, омбор хўжалиги, почта ва телекоммуникация.	17,27	2,32
3.Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш.	24,794	3,33
4.мол-мулк соҳасида хизмат кўрсатиш.	168,876	22,66
5.Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий ҳимоя	4,906	0,66
6.Таълим, маданият, санъат, радио ва телевидение	2,195	0,29
7.Илмий тадқиқотлар, технологик хизмат кўрсатиш	2,779	0,37
8.Қолган соҳалар.	25,726	3,45

Ҳозирги даврга келиб, чет эл инвесторлари учун турли хил соҳаларни очиб бериш билан боғлиқ равишда ушбу ҳолат ўзгарди. Қўшма корхонанинг

¹ Коммерция в Китае. Межконтинентальное издание. Китай. С 227.

маъсулияти ва даромадлари томонларининг қўйган капиталлари хажми билан боғлиқ равишда тақсимланади, капитални қўйиш турли хил шаклда, хусусан, пул маблағлари, ускуналар, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, технология ва савдо маркаларидан фойдаланиш ҳуқуқи шаклида киритилиш мумкин. Чет эл инвесторлари томонидан қўйилган капитал миқдори қўшма корхонанинг умумий рўйхатдан ўтган капитали 25 %дан кам бўлмаслиги керак.

Қўшма капиталли корхона асосан икки поғонали бошқарув тизимдан ташкил топган.

Корхона олий бошқарув органи директорлар кенгашидан иборат, бошқарувчиларнинг таркиби эса қўйган капитал улушига қараб аниқланади.

Компанияни кундалик фаолияти учун жавобгар бўлган ижро этувчм орган ичига, асосан бош директор, уни ўринбосари, молиявий ревизор ва бир қанча ишлаб чиқариш ва уни сотувини амалга ошириш билан шуғулланувчи менежерлардан иборат бўлади. Бош чет эл персоналининг Хитойга биринчи ташрифини муддати 3 йил қилиб белгиланган. Буни сабаби, Хитой юанининг тўлиқ конвертлаш масалари билан боғлиқ. Юаньни Хитой ашё ва ускуна сотиб олиш мақсадида четга олиб чиқиш мумкин эмас.

Четга олиб келиш ёки чет эл персоналига ойлик ҳақи тўлашда эга чет эл валютасидан фойдаланилади. Ушбу валюта фақатгина экспортдан тушган даромад, ссуда, қайта капитал қўйиш ва бошқа йўллар орқали амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари Хитой миллий валютанинг жорий ҳисобдан қисман конвертлаш мумкин.

Хитойда товарлар импорт қилишда тўловларни амалга ошириш учун, чет эл инвесторларига даромад ўтказиш мақсадида, патент фойдаланишдан олинган (роялти) маблағларни ҳисобига сотиб олиш мумкин, қўшма капиталли корхона афзал томонлари шундан иборатки, хитойлик шерикларни ҳукумат органлари билан бўлган “алоқалари”дир. Хусусан, Хитой шериклари шахсий алоқалари ҳисобига савдо ҳажмини кенгайтишига эришиш ёки ҳукумат органларидаги алоқалари ёрдамида мавжуд имтиёзлар олишга эришиш мумкин. Салбий томонига келадиган бўлсак, асосан бошқарув

услуги билан боғлиқ низоларни келиб чиқиши ва айрим ҳолларда эса бизнесдаги мақсадлари билан боғлиқ бўлади.

Охириги беш йил ичида қўшма капиталли корхонадан фақат чет эл асосланган корхонага ўтиш концепцияси кузатилмоқда.

3-жадвал. Чет эл инвестицияли корхоналар фаолият кўрсатиш тармоқлари.

Соҳаси	Сони	Хажми (% ларда)
Қайта ишлаш саноати	141,668	70,03
Хизмат кўрастиш	16169	7,99
Улгуржи ва чакана савдо	12249	6,05
Мол-мулк	11925	5,89
Қурилиш	5139	2,54
Дехқончилик, ўрмон хўжалик, чорвачилик, балиқчилик	4752	2,35
Транспорт ва юк ташиш, омбор хўжалиги, почта ва телекоммуникация	3499	1,73
Электроэнергия, газ ва сув ишлаб чиқарилиши ва таъминоти	1268	
Тоғ-кон ишлари	1047	
Илмий тадқиқотлар ва комплекс технологик хизмат кўрсатиш	1851	
Таълим, маданият, санъат, радио ва телевидения, кинематография	530	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, хизмат кўрсатиш	469	
Геологик изланишлар	128	
Банк ва суғурта иши	74	

Қўшма ҳамкорлик корхонаси.

Қўшма ҳамкорлик корхонасини тузишда чет эл инвесторлари икки хил усулдан фойдаланиши мумкин. Иккала усул ҳам қўшма капиталли корхонга нисбатан ўша ихчамлилиги билан ажралиб туради.

Биринчи шаклда янги юридик шахс мақомини олиш билан маъсулияти чекланган корхона бўлиб таъсис этилишини ўз ичига олади.

Иккинчи шаклда эса, юридик мақомга эга бўлиш талаб этилмай, компания бутунлай хўжалик ҳисоби асосида фаолият олиб бориши билан учинчи томон олдида маъсулдир. Иккинчи шаклга мувофиқ томонлар устав капиталидаги капитал улуши асосида маъсулияти ва даромади шартнома бўйича белгиланади. Чет эл иштирокчисини инвестиция хажми худди, биринчи шаклдагидек 25 %дан кам ташкил этмаслиги лозим, бироқ шартнома иштирокчилари билан ўзаро келишган ҳолда капитал қайтарилишини амалга ошириш мумкин. Директорлар кенгаши ва ижро этувчи шахслар таркиби шунингдек, шартнома регламенти асосида бўлиб ўтади. Қолган масалалар бўйича алоҳида ҳолат кўрсатилган бўлса, у ҳолда ҚХКси ўз фаолиятини худди ҚКК сини қоидалари асосида амалга оширади.

Шериклар ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар тизимидан ташқари, ҚХК нинг яна бир афзал томони чет эл иштирокчилари капитали тез қайтарилиш имконидир. Шунинг учун, ушбу шакл мол-мулк ўзлаштириш ва инфратузилма объектларини қурилиш соҳасини ўзлаштиришга йўналтирилган.

Чет эл компаниялари.

Чет эл капиталли корхона –бу юридик мақомга эга бўлган, 100 % мол-мулк чет эллик чет эл инвесторига тегишли бўлган хорижий корхона, асосан маъсулияти чекланган ва 10 йилдан 30 йилгача хўжалик фаолиятини юритиш муддати рухсат этилган.

4-жадвал. Чет эл капиталли корхоналари инвестиция оқимининг манбалари. 2001 йил.¹

Мамлакатлар	Корхоналар сони	Пропорцияси (%)
-------------	-----------------	-----------------

¹ Коммерция в Китае. Межконтинентальное издание. Китай. 2004 й. С 270.

(районлар)		
Сянган	926000	45,78
Тайвань	25000	12,37
АҚШ	18800	9,3
Япония	15200	7,5
Корея Республикаси	11000	5.45
Сингапур	6362	3,14
Виргин орллари	4171	2,06
Аомень	3565	1,76
Канада	2862	1,41
Австралия	2547	1,26
Буюк Британия	2315	1,14

Чет эл капиталли корхона худди қўшма капиталли корхонага тегишли қонун ва норматив-ҳуқуқий қоидалар амал қилади, шундай бўлсада чет эллик хўжайинли корхона хўжалик фаолиятини, бошқарувини, валюта, бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар масаласидаги ишларни самаралироқ назорат қилиш имконига эга бўлади.

Хитой ЖСТ га аъзо бўлишдан сўнг.

Холдинг компаниялар.

Холдинг компаниялар ўз маохиятига кўра инвестицион корхоналар ҳисобланиб, қўшма капиталли корхона ёки чет эл капиталли корхона бўлиб таъсис этилиши мумкин. Чунки, чет эл трансмиллий компаниялар холдинг компаниялардан ўз инвестицияларини кўпайтириш учун, ҳамда Хитойда ўз катализация қилиш ва менежментини самарали ташкил қилиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Хитойнинг капитализация даражаси ва умумий активлар учун талаблари жуда юқоридир. Бош компания умумий активлари 400 млн АҚШ доларидан ошиқ бўлиб, шу билан бир вақтни ўзида уч ёки ундан ортиқ рўйхатдан ўтган капитали 10 млн АҚШ доллари ҳажмида инвестицион лойиҳаларни ёки рўйхатдан ўтган капитали 30 млн

АҚШ доллари ҳажмидаги 10 дан зиёд инвестицион лойиҳалари бўлиши керак.

Холдинг компания аввал киритилган активларни ҳисобга олмаганда, рўйхатдан ўтган капитали 30 млн АҚШ долларидадан ортиқ бўлиши керак. Шўъба корхоналарининг даромади ва дивидендидан икки томонлама даромад солиғи олинмайди, аммо уларга қисман ёки бутунлай солиқлардан озод қилиш ва солиққа тортиш муддатини узайтириш каби рағбатлантиришлар берилмайди.

2.3 Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш механизмини ривожлантириш мантиғи ва босқичлари

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан унинг ташқи иқтисодий фаолияти шароитлари тубдан ўзгарди. Бозор иқтисодиёти йўлида юзага келаётган муаммоларни ғоят мураккаб шароитларда бартараф этишга ва уларни ҳал этишнинг оқилона вариантларини топишга тўғри келди. Республикада осойишталик ва барқарорликни ғоят катта куч-ғайрат ҳисобига сақлаб қолиш, СССР тарқалиб кетишининг аксилтаркибий (деструктив) оқибатларини бартараф этиш мумкин бўлди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсда кенг эътироф этилишига олиб келган изчил ва чуқур ўйланган чора-тадбирлар мамлакат жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб бориши, унинг хўжалик субъектлари жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бозор қайта қурилиши кўламларининг кенгайиши, иқтисодий регуляторлар ролининг кескин ошиши, рақобат муҳитининг яратилиши, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари давлат томонидан танлаб қўллаб-қувватланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг адреслилиги бу босқич учун хосдир.

Ислохотлар дастури ресурслар, юқори малакали мутахассислар ва энг янги технологияларга ғоят катта эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирги пайтда иқтисодиётда тубдан янгиланишни, йирик инвестицияларни талаб

этмайдиган тармоқнинг ўзи йўқ. Мамлакатимиз олдида бугун ишлаб чиқаришнинг замонавий техника базасини барпо этиш, замонавий алоқа воситалари ва оммавий компьютерлаштиришни амалга ошириш, экологик хавфсизликни таъминлаш вазифаси турибди. Янги энергия манбалари ва бошқа шошилиш муаммолар ечимини кутмоқда. Республика раҳбариятининг мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хорижий инвесторларни жалб этишга ғоят катта эътибори, куч-ғайрати айти шу ҳолат билан изоҳланади.

Вужудга келган шароитларда бу ҳол вақт жиҳатидан ғоят зарур ютуқ бериши мумкин эди. Бу ўринда Россиянинг 20-йиллардаги концессиялар тажрибаси, шунингдек, жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларидаги трансмиллий бизнес, хорижий тадбиркорликнинг ҳозирги амалиёти қўл келиши мумкин.

Гарчи шунинг ўзи мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти йўлидаги ҳаракатини жадаллаштириши мумкин бўлса ҳам иш фақат етишмайдиган ресурслар ва технологияларни ташқаридан олиш билангина чекланмайди. Бу ҳаракатларда хўжаликни юритишнинг жаҳондаги илғор тажрибасини босқичма-босқич эгаллаб бориш, бунинг учун монополияга қарши механизмнинг, истиқболда эса очиқ самарали иқтисодиётнинг зарур рақобатчи асосини яратишдан иборат қийин жараённи енгиллаштирувчи омиллардан бири кўзга ташланмоқда.

Сармоя жойлаштиришнинг самарали бозори ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига босқичма-босқич интеграциялашувига йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Айти пайтда бошқалар қаторида ташқи иқтисодий алоқаларга катта эътибор бериляпти. Таркибий тузилиш омилига ҳам муҳим ўрин берилаётир. Бу, шубҳасиз, туб ислохотларни амалга оширишни, экспорт ишлаб чиқариш таркибини диверсификациялашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча шакллари ва кўринишларини сифат жиҳатидан ривожлантиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги қонунчилигини фаол шакллантириш ва такомиллаштириш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган, шу жумладан, чет эл инвесторларини жалб қилиш ва ҳимоялаш, валюта жиҳатидан тартибга солиш, солиқ, чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни барпо этиш ва рўйхатга олиш масалаларига доир бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хориж инвесторлари фаолиятининг ишончли кафолатланишини таъминлаш учун ҳуқуқий меъёрлар яна ҳам ривожлантириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестицияларини ҳимоялашни назарда тутувчи ва бу масалалар бўйича баҳсларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқий шартномалар ва битимларга қўшилди. Инвестицияларнинг жалб этилишида савдо-иқтисодий режимнинг умумий қоидаларини ҳам, инвестицион ҳамкорликни ҳам тартибга солувчи халқаро ва давлатлараро шартномаларнинг шаклланиб бораётган тизими катта таъсирга эга.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланади. Чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш юридик ва жисмоний шахслари учун тегишли бўлган режимга қараганда камроқ қулайликка эга бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг устун тармоқларига йўналтириладиган чет эл инвестициялари учун қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Хорижий инвестор ўз инвестицияларининг объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. У халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида реинвестиция ва савдо операцияларини ўз ичига олади.

Чет эл инвесторлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги шерикларига ишлаб чиқариш хоналарини, биноларни, ускуналар ва уй-жойларни танлов асосида сотиб олиш, шунингдек ер участкаларини узок муддатга ижарага олиш ҳуқуқи берилади, чет эл инвесторларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш дастури ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Чет эл инвесторлари хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини уларга ажратилган ер участкалари билан бирга хусусий мулк қилиб сотиб олишлари мумкин. Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонунлари инвестициялашни ёмонлаштирувчи шарт-шароитларни вужудга келтирса, у ҳолда чет эл инвестицияларига нисбатан ўн йил мобайнида инвестицияни амалга ошириш даврида амалда бўлган қонун қўлланилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга ошираётган чет эл инвесторларининг фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Агар республика давлат органлари чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини камситувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилсалар, у ҳолда етказилган зарар бу органлар томонидан судлов тартибида қопланиши керак.

Чет эл инвесторлари учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хориж сармояси иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициясини ҳимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва чет эл суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади. Чет эл инвестицияларини суғурталаш тизими чет эл инвесторларини, хусусан:

- мамлакат томонидан иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадларида киритилган бошқа чоралардан ташқари мулкни экспроприациялаш, мулкни тортиб олишни, унинг устидан назорат йўқотилишини назарда тутувчи қонунчилик ва маъмурий чоралардан;
- урушлар ва фуқаролар ғалаёнларидан, маҳаллий ҳокимиятларнинг суғурта ташкилоти ва чет эл инвесторининг шартнома муносабатларига аралашувидан;
- маҳаллий ҳокимиятлар томонидан миллий валютанинг бошқа валюталарга эркин алмаштирилиш ва валютанинг чет эл давлатларига ўтказилишига нисбатан чекловлар киритишдан;
- инвесторларнинг алоҳида гуруҳларига нисбатан камситувчи хусусиятга эга бўлган янги қонун-қоидаларнинг киритилишидан суғурталанишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар миллийлаштирилмайди. Чет эл инвесторларининг мулки ва воситалари реквизиция қилинмайди. Табiiй офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар каби форс-мажор ҳолатлари бундан мустаснодир.

Чет эл инвестицияларини реквизициялаш тўғрисидаги қарор фақат республика ҳукумати (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан қабул қилинади. Чет эл инвесторига тўланадиган товон тортиб олинаётган мулкка тенгма-тенг бўлиши қонунда назарда тутилган.

Чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ҳозирдаёқ давлат органлари томонидан рўйхатта олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар кўриб чиқилишининг қисқартирилган муддатлари белгиланган.

Чет эл инвесторлари учун мақбул солиқ муҳитининг яратилганлиги уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омилдир. Корхона низом сармоясида чет эл инвесторининг ҳиссаси 30 фоиздан ошадиган чет эл инвестицияси бўлган корхоналарга солиқ ундирилиши соҳасида имтиёзлар белгиланган.

Амалдаги қонунчилик чет эл инвесторларига уларга тегишли корхоналарни фойда олина бошланган даврдан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида даромад солиғини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзларни беради.

Хориж сармояси иштирокидаги корхоналарни даромаднинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологик модернизациялаш ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланган қисмига солиқ тўлашдан озод қилиш кўзда тутилган. Устав жамғармасида хориж сармоясининг ҳиссаси 50 фоизни ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхона, фаолияти халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган тақдирда, корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб беш йил муддатга олинаётган валюта тушумларининг бир қисмини Республика Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилинади.

Чет эл инвесторларига қонуний фаолият натижасида улар олган фойдалар ва бошқа даромадларни ҳамда сўмларни бирор-бир чекларсиз исталган чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Хорижий инвесторлар республика банкларида бирор-бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ўз ишлаб чиқаришининг экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ва ўз эҳтиёжлари учун корхоналар томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг рўйхати ҳукумат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан белгиланади. Чет эл инвестицияси бўлган

корхонанинг мулкидан заём воситаларини таъминловчи сифатида фойдаланилиши мумкин. Унинг бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулккий ҳуқуқлари, шунингдек ер ва бошқа табиий бойликларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари бошқа мулккий ҳуқуқлар мажбуриятларни таъминловчи сифатида ҳаракатга киришиши мумкин.

Чет эл инвесторларига табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасига барпо этилаётган корхонанинг низом жамғармасига чет эл инвесторининг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловида озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди¹.

Чет эл инвесторлари Ўзбекистон Республикаси корхоналаридан акциялар, ҳиссалар ва пайларни, шунингдек юридик шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин.

Чет эл инвестицияси бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанинг тугатилиши ҳолларида чет эл инвестори шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини чет эл инвестори корхонадан чиқиш вақтида корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Турли бирлашмалар, уюшмалар, концернлар, консорциумлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияси бўлган корхоналарни ихтиёрий асосларда барпо этишлари мумкин.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари тўғрисидаги дастлабки қонун 1991 йил июнидаёқ қабул қилинди. Кейинги йилнинг июлида эса мамлакат

¹ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига қаралсин

парламенти бу қонуннинг янги таҳририни қабул қилди. 1994 йил 5 майда қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонунини тасдиқлашди. Бу қонун чет эл инвестицияларини ҳимоялашнинг илгариги қонунда кўзда тутилган кафолатларини фақатгина мустахкамламасдан, балки бир қатор ҳолларда уларни кучайтирди.

1996 йилнинг ўртасида қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун¹ шу тоифадаги зоналарга инвестициялашнинг асосий ҳуқуқий доирасини шакллантирди. «Концессиялар тўғрисида»ги қонун эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектлари, шу жумладан хорижий хўжалик субъектлари концессия фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Бу қонунлар қўшма тадбиркорликни ва хорижий сармояни мамлакатимизга жалб этиш жараёнларини тартибга солишда олға томон қўйилган янги кадам бўлди.

1996 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча омиллар ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонида «Чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари» деб номланиб, преференциал режим берилган корхоналарнинг махсус тоифаси беягиланди.

Президентнинг 1998 йил 27 мартдаги Фармонига мувофиқ қуйидаги мезонларга жавоб берувчи чет эл, шўъба ва қўшма корхоналар чет эл инвестицияси бўлган ишлаб чиқариш корхоналари сирасига кириши белгилаб қўйилди: устав жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларида кам бўлмаган корхоналар; корхона иштирокчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси ҳисобланган; корхонанинг устав фаолиятида ўз ишлаб чиқариши ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сервис хизмат ҳиссасига хўжалик фаолиятидан тушумлар умумий ҳажмининг 60% дан кўпроғи тўғри келадиган корхоналар.

¹ қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонуни.

Фармон чет эл инвестицияси бўлган корхоналар таърифига кирмай қолган ва мазкур Фармон қабул қилингунича рўйхатга олинган чет эл инвестицияси бўлган корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари амал қилиш муддати ўтгунича сақланиб қолишини назарда тутди.

1997 йил 1 январдан бошлаб Республика инвестицион дастурига киритилган лойиҳаларни инвестицияловчи, чет эл инвестицияси бўлган корхоналарнинг ҳаммаси етти йилга корхона фойдасидан олинadиган солиқларни тўлашдан озод қилинади. Устав жамғармасида хориж сармоясининг ҳиссаси 50% ва ундан кўпроқни ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхоналардан низом жамғармаси миқдorigа қараб пасайтирилган ставкалар бўйича солиқ ундирилади: низом жамғармаси 300 мингдан 1 миллионгача АҚШ доллариға тенг бўлганда - 20% ва 1 миллион ва ундан ортиқ АҚШ доллариға тенг бўлганида - 16%; хорижий сармоя ҳиссаси низом жамғармасининг 50% ва ундан кўпроқ иши ташкил этувчи чет эл инвестицияси бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланаётган фойдаси фойдадан олинadиган солиқдан озод қилинади. Экспорт учун, ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари ва ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун товарлар ишлаб чиқараётган чет эл инвестицияси бўлган корхоналар ҳам:

- чет эл сармоясининг низом жамғармасидаги ҳиссаси 50% ва ундан кўпроқни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланганидан кейин икки йил муддатда;

- ишлаб чиқариш ҳажмида 25% дан кўпроқни болаларга аталган товарлар ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланганидан кейин беш йил муддатга фойдадан ундириладиган солиқдан озод қилинади. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади.

1998 йили Олий Мажлис инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи 3 та қонунни - 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет

эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»га ҳамда 1998 йил 24 декабрда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунларни бир йўла қабул қилди. Бу қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодийётига сармоя жойлаштириш ҳажмларини оширишга йўналтирилган эди.

Юқорида келтирилганлар Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларшш жалб қилиш соҳасидаги қонунчилигининг шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларидаги фавқулодда мураккабликлар, вужудга келаётган вазиятга мувофиқунинг доимий тадрижий ривожланиши ва тезкор ривожни хусусида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Умуман олганда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятининг умумий ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган. Улар инвестиция фаолиятининг миллий ва хорижий субъектлари учун қулай шароитларни яратиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, республиканинг ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини самарали ривожлантириш мақсадларида инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқий манфатлари, мол-мулки ва саноат-интеллектуал мулки давлат томонидан ҳимояланишини таъминлашга қаратилгандир.

2.4 Ўзбекистон Республи касида инвестиция фаолияти ва уни тартибга солиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инвестиция муҳитини сезиларли равишда яхлитланганини кўрамиз. Ҳозирги пайтда хорижий инвестицияларга эга корхоналар ҳам қонуний кафолатлари, ҳам улкан имтиёзларга эга.

Хорижий капиталнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) миқдорининг ошиб бориши, уларнинг ЯИМ, ташқи савдо айланмаси ва аҳоли бандлигидаги улушининг кўпайишида ўз аксини топмоқда.

ТХИ фаолиятини тарибга солувчи қонуний асос сифатида 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АҚШ, Япония, Туркия, Кореянинг экспорт-импорт банклари, халқаро молия институтлари, экспортни суғурталаш агентликлари, жаҳоннинг йирик банклари ва бошқа томонидан очилган кредит линияларига хизмат кўрсатади. Бу линиялар орқали республика учун муҳим бўлган, миллий иқтисодиёт тузилмасини қайта қуришни таъминловчи инвестицион лойиҳалар кредитланади. Масалан, ЕТТБ нинг 60 млн АҚШ доллари миқдorigа тенг биринчи кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган, ЕТТБ нинг худди шу миқдордаги иккинчи кредит линияси ва Осиё тараққиёт банкининг 50 млн АҚШ доллариға тенг кредит ўзлаштириш арафасида. Бу линиялар бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилган ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Институционал қайта қуришлар соҳасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш учун бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

“Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси, ТИФ МБ ва АҚШ нинг “ALG Inc” молия гуруҳи билан биргаликда қўшма компаниялар ташкил этилган. Сиёсий хатардан сақлаш компаниясининг штаб-квартираси Лондонда, Тижорат хатардан сақлаш компанияси штаб-квартираси Тошкентда жойлашган.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Швейцария каби давлатларнинг банк ва фирмалари билан 35 дан ортиқ ҳукуматлараро битимлар имзоланган ва улар ҳозирги пайтда ҳракатдадир.

“Ўзбекистон” меҳмонхона мажмуаси базасида Ўзбекистон ва Малайзиянинг қўшма корхонаси ташкил қилинган ва бунга 35,1 млн АҚШ доллариға тенг маблағ жалб қилинган. Хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон Халқаро Банки – Ўзприватбанк иш бошлади. Унинг таъсис этувчилари “Мис Пирсон” банки (Голландия) “АЙОК” (АҚШ)

халқаро корпоратцияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ҳисобланади.

Республикамызда яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли йилдан-йилга республикамыз иқтисодиётига кириб келаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми ошиб бормоқда.

Агар бу маблағларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 1994 йили 0,6 % дан кам бўлган бўлса, 1997 йилга келиб 19,9 % га етди, бу 1,1 млрд АҚШ доллариға тенг дегани.

Республикамызда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига Асака автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Зарафшон-Ньюмонд қўшма корхонаси ва бошқа муҳим аҳамиятга эга йирик объектлар қурилиши амалга оширилди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятини тартибга соладиган меёрий – ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга, хорижий капитални янада жалб қилиш ва янги қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун макроиқтисодий шароитларда яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациялашнинг киритилиши, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни Қўшилган қиймати солиғи (ҚҚС) дан ташқари бошқа солиқлардан озод этиш, божхона тарифлари орқали тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган чорададбирларнинг амалга оширилиши хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ташқи савдо фаолиятининг ижобий томонга ўзгаришига таъсир кўрсатди. 2004 йилда хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналарда 1958,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган.

Фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар сони 203 тага кўпайди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги

қўшма корхоналарда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга автомобиль, енгил-саноат, озиқ-овқат, конли металлургия корхоналари катта хисса қўшди.

2004 йилда, шу жумладан 4 чоракда ташқи савдо айланмаси 37,1 % ва 30,0 % га ўсди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг республика ташқи савдо айланмасидаги улуши таҳлил қилинаётган давр мобайнида 1,2 фоиз ва 1,0 фоиз даражага ортди.

2004 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспорти республика бўйича 785,2 млн АҚШ долларини ёки республика умумий экспортининг 16,2 % ни ташкилд этди ва 003 йилга нисбатан 139,1 % га ошди. Машинасозлик (2 баробар), кимё саноати (1,6 баробар), ёқилғи энергетика саноати (1,5 баробар), металлургия (1,4 баробар) тормоклари тез суратлар билан ривожланди.

Экспортнинг товарлар таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар экспортда “бошқалар” гуруҳидан ташқари машина ва ускуналар (28,4%), хизматлар (5,0 %) озиқ овқат (3,9%), энергетика маҳсулотлари (3,6%) нисбатан катта улушларни ташкил этди, шу жумладан 4 чоракда машинасозлик мажмуи экспорти улуши бирмунча ошди. (даврлар бўйича мос равишда 9,0 фоиз 6,9 фоиз даража) машинасозлик маҳсулотлари экспортида “ЎзДЭУ авто” Қўшма корхона маҳсулотлари етакчилик қилиб келмоқда. ҚК томонидан 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 18556 донга кўп енгил автомобиллар экспорт қилинган. Россия бозорига “Nexia” ва “Matiz” автомобилларини етказиб бериш 1,7 баробар ошди. “ЎзДЭУ авто” автомобиллари Россияда сотилаётган автомобилларнинг 4 ўринни эгаллади. Қўшма корхоналар маҳсулотни рақобатбардошлилигини оширишнинг асосий омили маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ бутловчи алоҳида қисмларни ички ишлаб чиқаришда кенгайтириш эвазига таннархини пасайтириш (ушлаб туриш) ҳисобига эришилди.

5-жадвал. Ўзбекистондаги инвестициялар¹.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005 йил	2006 йил	%ларда олдинги йилга	
				2005 й	2006 й
Асосий капиталга киритилган инвестиция	млрд. сўм	3012,9	3838,3	107,0	109,1
Марказлашган инвестиция	млрд. сўм	706,3	864,5	79,0	104,6
Бюджет маблағлари	млрд. сўм	384,2	409,5	90,1	91,1
Бюджет фондларидан ташқари маблағлар	млрд. сўм	141,3	271,8		160,0
Марказлашмаган инвестиция	млрд. сўм	2306,6	2973,8	120,0	110,5
Корхона маблағлари	млрд. сўм	1460,2	1854,0	118,5	108,5
Тижорат банкларининг кредитлари	млрд. сўм	88,4	130,6	132,7	126,3
Бевосита чет эл инвестицияси ва кредитлар	млрд. сўм	396,2	539,9	146,6	116,5
Аҳоли	млрд. сўм	354,4	448,1	102,1	109,8

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.116,5146,6

маблағлари					
Бошқа заёмлар	млрд. сўм	7,4	1,2	83,0	14,3
Қурилиш ишлари	млрд.сўм	1411,2	1843,4	107,8	112,8

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Капиталнинг миллатлараро кўчиб юриши кенгайган шароитларда инвестиция фаолияти, бир томондан, миллий, иккинчи томондан, халқаро инвестиция муносабатларини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими асосида тартибга солиш йўли билан амалга оширилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятини тартибга солишдаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, чет эл инвесторларга инвестициялашнинг барча турлари ва шаклларида миллий тажрибани бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвесторларининг кириб келишини тезлаштиради.

Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитларни яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орали

ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тсарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Бозорга ўтиш шароитларида инвестиция муносабатларида ҳам давлатнинг, ҳам ўз манфаатларини амалга оширадиган субъектлар иштирок этиши сабабли улар мулкчилик хусусидаги муносабатлар мажмуидан иборат бўлади. Халқаро инвестиция муносабатлари айрим мамлакатлари, корпоратциялар, компаниялар, халқаро молия ва кредит муассасалари, якка инвесторлар ҳамда шу каби манфаатларининг рўёбга чиқишини ифода этади.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни:

Айрим мамлакатлар, корпоратциялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш, уларни ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш, уларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвесторларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолияти давлат

томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойҳаларга ҳамда қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим.

ХУЛОСА

1. Инвестицион иқлим – муайян мамлакат ёки минтақанинг турли тармоқларига узоқ ёки ўрта муддатли капитал қўйилмаларни жойлаштириш учун шарт-шароитлардир. Инвестицион иқлим – кенг қамровли тушунча бўлиб, у сиёсий ҳолат, иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳуқуқ, мафкура, маданият ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади. Инвестицион иқлим объектив имкониятлар (инвестиция салоҳияти), инвестор фаолияти учун шарт-шароитлар (инвестицион хатар) ва ушбу икки омилни умумлаштирувчи ҳуқуқий базадан таркиб топган.

2. Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти қуйидагилар билан асосланади:

республиканинг хом-ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар қуриш имкониятининг мавжудлиги;

кўплаб ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга муҳтож бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;

саноат ишлаб чиқаришида моддий-техника базасининг етарли даражадан пастлиги ва оқибатда, кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;

аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоқда замонавий мўъжаз корхоналарни барпо этиш зарурлиги;

республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги.

3. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар қуйидаги методологик ва услубий ёндашувлар ҳисобига самарали ҳал этилиши мумкин:

- жаҳон капитал бозори, унинг сиғими, миграцион оқимлари ва конъюнктура тенденцияларини комплекс тадқиқ этиш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича имкониятлар ва эҳтиёжларни тизимли тадқиқ этиш ва бозор стратегиясини аниқлаш;
- хорижий инвестициялаш объекти сифатида Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларини рақобат нуктаи назаридан қиёсий баҳолаш;
- халқаро инвестициялаш жараёнининг барча иштирокчилари учун тадбиркорлик хатарларининг тавсифи ва фойдасини баҳолаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий капитал қўйилмалар киришини рағбатлантиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- хорижий капитал киритилишидаги маркетинг қарорларини таҳлил қилиш ва улар устидан доимий назорат ўрнатиш, хорижий инвесторлар олиб борадиган энг самарали ишларнинг доимий мониторингини ташкил қилиш.

4. Ўзбекистоннинг инвестицион макони хилма-хил бўлиб, маъмурий-худудий бирликлар кўплаб иқтисодий параметрлар бўйича ўзаро кескин фарк қиладилар. Шунинг учун, тадқиқот давомида минтақаларни типологияларга, яъни ўхшаш жиҳатларига қараб гуруҳларга ажратиш лозим. Таснифлашга ёндашув мақсадга боғлиқ равишда таҳлил этилаётган кўрсаткичлар миқдори ва уларнинг сифат тавсифига кўра, кўрсаткичлар ўзларининг танланиши ва уларнинг статистик ишловига қараб ажратилади. Бундай ёндашув инвесторлар фаоллигига таъсир кўрсатувчи комплекс омилларни ҳисобга олган ва умумлашма кўрсаткичлардан иборат бўлган минтақа инвестицион жозибадорлигининг рейтинги орқали баҳолаш усули ҳисобланади.

5. “Кластер таҳлил” деб аталувчи, яъни ўрганилаётган объектни у ёки бу маънода ўхшашлигига қараб гуруҳларга ажратиш имконини берадиган таҳлил услуги ниҳоятда самаралидир. Минтақавий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инвестицияларга таъсир кўрсатадиган омилларни тўла баҳолаш учун алоҳида минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. Умуман олганда инвестицион иқлимнинг турли минтақалар бўйича тафовутларининг катталиги дастлабки ривожланиш шароитларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Бу ривожланиш даражаси ишлаб чиқариш соҳаси ва

инфратузилма, табиий ресурсларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, у ёки бу иқлим шароитлари кабиларда намоён бўлади. Мақсаддан келиб чиқиб, турли минтақаларнинг инвестицион иқлими ўрганилди, 2001 ва 2005 йиллардаги уларнинг ҳолати баҳоланди, минтақалар бўйича хорижий инвестициялар тақсимотига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар очиб берилди ва ўзгаришлар таҳлил қилинди. Таснифлаш учун бешта кўрсаткич танлаб олинди – барча манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми (млрд.сўм), минтақага киритилган хорижий инвестициялар ҳажми (млн.сўм), аҳоли жон бошига нисбатан капитал қўйилмалар ҳажми (минг сўм), аҳоли жон бошига нисбатан хорижий инвестициялар ҳажми (минг сўм), жами капитал қўйилмалардаги хорижий сармоялар улуши (фоиз).

6. Инвестиция самарадорлигини баҳолаш учун республикамизда қўллаш мумкин бўлган асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

а) инвестиция лойиҳасини ишлатиш жараёнида соф фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланган пул оқими кўрсаткичи асосида инвестиция капитали қайтимини баҳолаш. Бунда пул оқими инвестиция лойиҳасини ишлатишдаги турли йиллар бўйича алоҳида-алоҳида ёки йиллик ўртача сифатида қабул қилиниши мумкин;

б) ҳам инвестициялашган капитал, ҳам пул оқими суммаси қийматини ҳозирги нархга келтириш. Бир қарашда инвестициялашган маблағлар ҳар доим ҳозирги нархларда намоён бўладигандек туюлиши мумкин, чунки пул оқими кўринишида уларнинг қайтими муддати анча илгари рўй беради. Амалда эса бундай эмас. Кўпинча инвестициялаш жараёни бир пайтда рўй бермай, узоқ вақт давом этиши мумкин. Шунинг учун барча босқичлардаги инвестициялашган воситалар ва пул оқимлари ҳозирги нархларга келтирилиши зарур;

в) турли инвестиция лойиҳалари учун пул оқимларини дисконтлаш жараёнида табақалашган фоиз ставкасини танлаш. Инвестициялардан даромад ҳажми 4 омил ҳисобига шаклланади: ўртача реал депозит ставкаси;

инфляция суръати; таваккалчилик учун мукофот; паст ликвидлик учун мукофот;

г) баҳолаш мақсадига боғлиқ ҳолда дисконтлаш учун фойдаланиладиган фоиз ставкалари шакллари. Бунда қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин: ўртача депозит ёки кредит ставкаси; инфляция, таваккалчилик ва инвестициялар ликвидлик даражасини ҳисобга олган ҳолда инвестициялар даромадлигининг хусусий нормаси; инвестицияларнинг бошқа кўринишлари бўйича даромадлиликнинг муқобил нормаси; жорий хўжалик фаолияти бўйича даромадлилик нормаси ва ҳ.к.

7. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада Чили тажрибаси айниқса диққатга сазовор. 1973 йилда ҳокимият тепасига генерал Пиночет ҳукумати асосий эътиборни ички ишлаб чиқариш кўламининг ўсиши ва қайта қурилишига ёрдам бериши лозим бўлган иқтисодиётнинг ташқи секторига қаратди. Кўпчилик давлат корхоналари ва банкларида хусусийлаштириш амалга оширилгач, ҳукумат чет эл капиталини деярли ҳеч қандай тўсиқларсиз импорт қилишга рухсат берди. Хорижий банкларнинг мамлакатда фаолият юритишлари учун миллий банклардаги каби шароитлар яратилди: экспорт ва импортга нотариф чекловлар бекор қилинди. Тез ривожланиб бораётган хусусий молиявий сектор давлат томонидан ҳеч қандай назоратсиз фоиз ставкаларини жорий этди. Чилида маблағлари чет элда тўпланган хорижий инвестиция жамғармаларининг фаолият юритишига рухсат берилган. Бироқ ушбу жамғармаларнинг акциялари Чили қимматли қоғозлар бозорида фақат номли бўлиб, ўтказиш ҳуқуқи бўлмаган тақдирдагина муомалада юриши мумкин. Чили ҳамон халқаро капитал бозорида ишонч коэффиценти юқори мамлакатлардан бўлиб қолмоқда. Ишонч даражаси бўйича у дунёда 30-ўринни эгаллайди ва ишонч индекси 63,2 ни ташкил этади (максимум – 100).

8. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестиция жалб этилган корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди ва доимий

равишда такомиллаштирилмоқда. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди; бундан ташқари, "Инвестиция фаолияти тўғрисида" махсус қонун қабул қилинди. Ҳукумат иқтисодиётнинг устувор секторларида амалга ошириладиган хорижий инвестицияларнинг алоҳида тоифалари учун махсус қарорлар билан қўшимча кафолатлар беради ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилайди. Кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатларда мамлакатда хорижий инвестицияларни амалга ошириш шарт-шароитлари, инвестиция фаолияти соҳасида республика томонидан имзоланган халқаро битимлар тамойилларига мувофиқ маблағ сарфлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгиланди. Улар хорижий инвесторларни уларнинг мулки мусодара қилиниши ва давлат ихтиёрига олинишидан ҳимоя қилади. Табиий офат, ҳалокат, эпидемия, эпизоотия ва бошқа шу каби ҳолларда ҳукумат хорижий инвесторларга мақбул ва ўз вақтида компенсация билан таъминлашни ҳамда мансабдор шахслар томонидан қонун бузилиши натижасида улар кўрган зарарларни қоплашни ўз зиммасига олади.

9. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти бўйича минтақавий тафовутлар ҳамон ўткир муаммо бўлиб турибди. Бу соҳадаги бқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида кузатилмоқда. 1991-2005 йиллар мобайнида ушбу минтақалар салмоғи республика асосий капиталида хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг ўртача 46,4 фоизини ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталда инвестициянинг энг юқори кўрсаткичлари ўртача республика даражасига нисбатан Тошкент шаҳрида - 234 фоизни, Навоий вилоятида - 200 фоизни, Қашқадарё вилоятида - 142 фоизни ташкил этди. Мазкур уч минтақада хорижий инвестициялар ҳажми ялпи минтақа маҳсулотига нисбатан кўрсаткичлари ҳам энг юқори бўлди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида Андижон, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция фаоллигининг ўртача даражаси кузатилди. Нисбатан паст

инвестиция фаоллиги Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида рўй берди. Республика инвестициясида уларнинг салмоғи атиги 17 фоизни ташкил этди.

10. Фарғона водийси вилоятлари иқтисодий салоҳияти республикада юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллаб, унинг бундан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унга жалб этиладиган хорижий инвестициялар кўламига боғлиқ. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати минтақага хорижий сармоялар жалб этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2005 йилда шартнома нархларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 351 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар минтақа иқтисодиётига жалб этилди. Жумладан, хорижий сармоялар ва кредитлар 38,0 млрд. сўмни ташкил этди.

11. Ҳозирги пайтда республикада мукамал ишлаб чиқилган инвестиция сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Инвестиция сиёсатининг муҳим дастакларидан бири - республика ва минтақавий инвестиция дастурларидир. Шундай дастурлардан бири - Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги “2005-2007 йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида”ги қарори бўлиб, унга кўра республикамизнинг ҳар бир минтақаси бўйича шундай дастурлар ишлаб чиқилган.

Дастур доирасида 2005 йилда Андижон вилоятида 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ва 13,4 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилиши белгиланган эди. Амалда 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 8,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Фарғона вилоятида кўзда тутилган 17 та ўрнига 22 та лойиҳа бўйича жами 34,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинган, шундан хорижий инвестиция миқдори 27,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Мазкур дастур доирасида Наманган вилоятида 2005-2007 йилларда умумий қиймати 247,7 млн. долл. бўлган 76 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

12. 2005-2007 йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш Минтақавий дастурлари ижросини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўплаб лойиҳалар бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар белгиланган муддатда амалга оширилаётгани йўқ.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги асосий муаммолар куйидагилардан иборат:

- а) инвестиция дастурига киритишдан аввал айрим лойиҳалар бўйича таклифларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги, уларда техник-иқтисодий асосларнинг (ТИА) мавжуд эмаслиги;
- б) 2005 йилда нефть-газ соҳаси корхоналари учун солиқлар ва акциз тўловлари бўйича киритилган янги меъёрлар ва тартибларнинг ўзгариши хорижий сармоядорлар учун бу соҳани паст самарали ва жозибасиз қилиб қўйди. Натижада 2005 йилда тўғридан тўғри инвестициялар бўйича кўзда тутилган бир қанча лойиҳалар амалга ошмай қолди;
- в) кредит қўмиталари ва тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун ажратилган хорижий кредит линияларини ўзлаштиришни расмийлаштириш процедуралари муддатининг узунлиги.
- г) ваколатли экспертиза органлари томонидан ТИА параметрларини кўриб чиқишдаги бюрократик тизим ва халқаро молиявий институтлардан заём келишувларида кўзда тутилган кредитларни жалб этиш процедураларининг чўзилиши;
- д) айрим маҳаллий ҳокимият органлари ва корхоналар раҳбарлари прогноз параметрларининг бажарилишига нисбатан совуққон ва бепарво муносабатда бўлишлари.

13. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёрдамида Ўзбекистонда халқаро тадбиркорлик фаолиятини юритадиган 50 га яқин хорижий компаниялар вакиллари орасида муаллиф томонидан социологик сўровлар ўтказилди. Анкета саволлари Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар дуч келаётган муаммолар асосида тузилган. Хорижий инвесторлар фикрича, ўзгариб турувчи солиқ қонунчилиги - бу соҳадаги энг жиддий муаммодир. Кейинги ўринларда сўралганлар мулкдорлар ва кредиторлар ҳуқуқларини таъминлашнинг заифлиги, божхона органлари фаолияти, маҳаллий бошқарув тизимидаги хатар, банк соҳаси ишидан қониқмаслик, бухгалтерия ҳисоби

тизими ва коррупция таъсирининг мавжудлиги билан боғлиқ муаммоларни кўрсатдилар.

14. Минтақаларда чет эл сармояларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида вилоятлар ҳокимликлари қошида хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ. Ушбу агентлик қуйидаги бўлинмалардан таркиб топиши мумкин:

- **тижорат бўлими.** У ХИИКлар экспорти ва импорти учун тижорий имкониятларни кузатиб боради; кредит олишда ташкилий ёрдам беради; кўргазма ва ярмаркалар ўтказишга кўмаклашади; минтақада хорижий инвесторлар билан барча ишларни комплекс ҳолда олиб боради;

- **халқаро ахборот бўлими.** Чет мамлакатларда савдо қоидалари ва стандарт сифати, иқтисодиёт ва конъюнктура ҳаракатига оид маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш билан шуғулланади; ХИИКлар маркетинги учун ахборот кўмагини беради; хорижий кредитлар, грантлар ва халқаро молиявий ташкилотларнинг ёрдамларини олиш, маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан тендер ҳақидаги эълонлар ҳақида тадбиркорларга маълумот беради; хорижий инвестициялар учун истикбол лойиҳалар имкониятлари ҳақида барча учун кириш мумкин бўлган маълумотлар базасини ташкил қилади; Интернет тармоғига киришни ташкил этади ва тадбиркорларни ушбу тармоқда ишлашга ўргатади;

- **юримдик бўлим.** ХИИКлар ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий масалалари бўйича маслаҳатлар беради.

15. Бизнингча, хорижий инвесторларга имтиёзлар бериш бўйича мавжуд қонунчиликка қуйидаги ўзгартиришлар киритилиши лозим:

- бундай имтиёзлар беришни корхона рўйхатдан ўтган пайтдан эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) вақтидан бошлаш;
- кичик бизнес соҳасидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун низом жамғармаси ҳажмини камайитириш;
- ишлаб чиқариш соҳасида ХИИК низом жамғармаси ҳажмини шакллантириш муддатини узайтириш. Бунда хорижий инвестор ўз

улушидан корхонани ишга тушириш чоғида керак бўладиган жиҳозлар ва айланма капитал учун зарур бўлган қисмини тезроқ тўлаши, қолган қисмини эса корхона ишга туширилгандан кейин тўлаши мумкин бўлади.

- минтақа инфратузилмасини, шу жумладан транспорт, телекоммуникация тизими ва меҳмонхона хўжалигини жадал ривожлантириш.

16. Республикамизда кейинги йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат ва нодавлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун муайян тизим барпо этилган. Республика инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу муассасалар эътибори қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши зарур:

- иқтисодиёт тармоқларига чет эл инвестицияларини мутаносиб жалб этишнинг умумлашган аниқ дастурини ишлаб чиқиш;
- тармоқ хусусияти ва иқтисодиёт ривожига қараб эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали чет эл инвестициясини жалб қилишини рағбатлантириш;
- тармоқларда алоқа, телекоммуникацияни ривожлантириш орқали инвесторларнинг эркин ва тўлиқ ахборотлар олишини таъминлаш;
- тармоқлардаги масъул ходимларни чет эл инвестициясини жалб этишда фаоллигини ошириш.

17. Минтақавий даражада иқтисодий муносабатлар интеграцияси ва мажмуи сифатида инвестициялашни кучайтириш учун инвестиция ресурслари бозорини шакллантириш зарур. Бунинг натижасида, узок муддатли молиявий қўйилмалар учун талаб, таклиф ва нарх шаклланади. Минтақавий даражадаги инвестициялаш қайтариладиган ёки компенсациялашган капитал қўйилмалар жараёнидир. Бунда у янги қиймат яратиш мақсадида минтақа иқтисодиёти ривожланишига қўйиладиган пул, моддий буюм, интеллект ёки бошқа капитал шаклида даромад ва турли кўринишдаги ижтимоий-иқтисодий самара олиш орқали намоён бўлади.

Хулоса.

XX аср охири ва XXI аср бошларида, дунёнинг бошқа мамлакатлари каби Хитойда ҳам кўпгина миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди, жумладан, мамлакат аҳолисининг сони 2,2 мартага ошди. (1952 йилда 575 млн киши бўлса, 2000 йилда 1265,8 млн. кишига ва 2005 йилга келиб эса, 1347,9 кишига етди).

1978 йилда бўлиб ўтган 11 чақирик 3-плenumдан сўнг Хитойда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиш учун тавсия этилди. Ушбу дастурни ишлаб чиқишда Хитойнинг Ҳукумат бошлиғи бўлган Ден Сяонинг ислохотлар концепциясини ишлаб чиқиш билан қатнашди ва охир оқибатда “ислохотлар архитектори” номини олишга сазовор бўлди.

Иқтисодий ислохотлар давридан бошлаб “Социалистик хўжалик юритишнинг” янги шакли яратилиб, уни амалга ошириш давлат томонидан аниқ белгилаб олинди.

Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг муҳим стратегик мақсадларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, хўжалик юритишнинг механизмлари бевосита амалиётга тадбиқ этиш:

Иккинчидан, йирик давлат корхоналари аста-секин давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирила бошланди ва бозор талабидан келиб чиқиб, маҳсулотларнинг янги турларини яратиш;

Учинчидан, бозорларни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириб бориш;

Тўртинчидан, давлат бош ислохотчи деб белгиланиб, ундан макроиқтисодий бошқарув тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Хитойда кенг кўламли саноатлантириш сиёсати олти борилиши натижасида, мамлакатда саноат ва ўша хизмат кўрсатиш тармоғидан яхлит комплекс саноат тизими шаклланди, ҳамда илгари мамлакатда бўлмаган саноат соҳалари вужудга келди.

Бундай ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар, мамлакатдаги индустриал-аграр давлатга айлантирди.

2005 йилга келиб, Хитойнинг жаҳон савдосидаги улуши ҳам ошди, экспорт ҳажми бўйича – у 7 ўринга, импорт – қилиш бўйича – 8 ўринга кўтарилди, ҳамда бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича – 2 ўринга чиқди. 2005 йил маълумотига кўра, Хитойнинг олтин-валюта захираси тахминан, 790,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳозирги кунда, Хитойда дунё аҳолисининг 22 % и яшайди, ҳамда дунёдаги ишчи кучининг 1/3 қисмини ташкил қилади. Хитой ҳаёт учун зарур бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи ўринларга чиқиб олди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги бўйича, у, XX аср охирида, ўрта ривожланаётган мамлакатлар

даражасида бўлса, бугунги кунда, у яшаш даражаси нуқтаи назаридан, ўртамиёна таъминланган давлатлар қаторига киради.

XX асрнинг охириги даври Хитой учун муваффақиятли бўлди. Бу йилларда ЯИМ йилига 7,8 % да, саноат 11 % да, қишлоқ хўжалиги 2,7 % да, хизмат кўрсатиш 8,6 % дан ўсди. Бу натижаларнинг асосий омили бўлиб илм-фан ютуқлари ва юқори даражадаги техника ва технологиялар бўлди.

Иқтисодий салоҳият ўсишининг асосий омилларидан бири халқ хўжалигига катта миқдорда капитал қўйилмаларининг қўйилишидир. Асосий капиталга қўшимча қўйилмалар қўйилиб унинг ЯИМ даги улуши хам ошди. Бу ўсиш мамлакатда янги ва замонавий саноат тармоқларини вужудга келишига сабаб бўлди.

Мамлакатга қўйилган инвестицияларнинг оқими хам ўз навбатида маълум бир муаммоларни юзага чиқарган. Хитой яхлит миллий иқтисод тизимини яратмай туриб, жаҳон интеграцион жараёнларга қўшилиб кетди.

Мамлакат иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан саноат капитали оборотига боғлиқ ички инвестициялардан ташқари унда чет эл инвестициялари хам кенг ишлатилиши керак. Чет эл инвестицияларидан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиши билан боғлиқ ҳолда объектив зарурат бўлиб қолди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш тўғрисида уч хил фикр мавжуд:

1. қулай инвестициялар иқлимини яратиш йўли билан чет эл инвестициясини кўплаб жалб этиш;

2. чет эл инвестицияларини жалб этиш, чет эл монополияларга мамлакатни сотиб юборишдир;

3. чет эл капитали миллий капитал учун жиддий рақобат қилиши мумкин, корхона ким ошди савдосида сотилганда чет элликларга қимматроқ сотилиши керак.

Жаҳон иқтисодиёти капитал миграциясиз амал қила олмайди. Шу сабабли мамлакат ҳамжамиятига қўшилиши, очиқ иқтисодий сиёсатни олиб боришни мақсад қилиб қўйган экан. Чет эл капитали жалб этиш учун ҳам шароит яратиш керак. Ривожланаётган мамлакатлар чет эл инвестицияларини куйидаги мақсадларда жалб этадилар:

-иқтисодий ва техникавий тараққиётни жадаллаштириш.

-Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;

-Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ривожлантириш.

-Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи миллий кадрларни тайёрлаш;

Бутун хўжалик мажмуасини бозор муносабатларига ўтказиш уни модернизация қилиш жуда катта маблағни талаб этиши ҳам чет эл инвестицияларини жалб этиш заруриятини вужудга келтиради. Инвесторлар ўз инвестицияларини у ёки бу мамлакат иқтисодиётида ичига киритишдаги таваккалчилик даражаси ва самарали фойдаланишга таъсир қилувчи сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Ривожланаётган мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар режимини эркинлаштириш

сиёсатини олиб боради. Лекин, чет эл инвестицияларини жалб этишда салбий томонлар ҳам бор:

- кўпроқ фойдали қазилмалар қазиб олишга қаратилганлиги қайта тикланмайдиган ресурслар камайишига олиб келди.
- хусусийлаштириш жараёнида қатнашиб арзон гаров корхоналарни сотиб олади.
- кўпинча “ифлос пуллар”ни оқлаб олиш учун хизмат қилади.

Миллий иқтисод бу мамлакат халқ хўжалигидагина эмас, балки, жаҳон хўжалигини ҳам катта бўғини ҳисобланади. Ички бозордаги асосий товарларни ишлаб чиқариш бўйича чет эл капиталли корхоналар мамлакатда етакчи ўринларни эгаллаб олдилар. Миллий, маҳаллий саноат эса бошқа компаниялар билан рақобатда қийинчиликларга дуч келмоқда, айниқса бу ҳолатлар Хитой регионларининг бир хил бўлмаган ривожланишини чуқурлаштириб юбормоқда.

Хитой Халқ Республикасида иқтисодий очиклик сиёсати олиб борилишдан бошлаб, мамлакат иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўпгина соҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент оқшоми. 2005й. 22 сентябр.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини кўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармони. “Халқ сўзи”, 2005й. 23 сентябр.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи”, 2005й. 12 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг – энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи», 2003й. 25 март.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи”.2005й.15 апрел.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Мажлисининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори. «Халқ сўзи», 2006 й. 11 феврал.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

8.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, марралар сони изчил ҳаракат қилишимиз лозимлиги тўғрисида»ги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2006 йил, 11 февраль.

Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

9.Каримов И.А. «Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидаги изчил бориш – асосий вазифамиз». – «Халқ сўзи», 2004й., 10 февраль.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

5.Махсус адабиётлар.

10.Гранберг А.Г. «Основу региональной экономики» учебник.-4е изд.—БМ.: издательский дом ГУВШЭ 2004-г. 495с.

11.Региональная экономика под ред. Морозовой Т.Г.М.: «Банка и биржи» 2000г. 350с.

12.Региональной экономика под ред. Ведяпина В.Н. М.: «ИНФРА» 2002г. 510с.

13.Алимов Р.Х. ва бошқалар «Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент».-Т.: ТДИУ, 2004-й. 265б.

14.Йулдошев З.Ю. «Миллий иқтисодиёт», Т.: «Фан» 2004-й. 185б.

6.Ўқув қўлланмалар

15.Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 1,2,3,4,5 - қисмлар акад. С.С.Ғуломов таҳрири остида. ТДИУ, 2006 й.

16 Жумаев З.А. «Муниципиал иқтисодиёт»: ТДИУ 2004 й. 117б.

17. Тошпулатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти.Т.: ТДИУ 2004. 123б.
18. Рахимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти.Т. УзРЁУАЖ. 2004. 128б.
19. Минтакавий иқтисодиёт Т.Миллий Университет. 2004. 380б.

7.Статистик маълумотлар

- 20.Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. – Т.: «Ўзбекистон» 2005й. 212б.
- 21.Ўзбекистан и страну СНГ. Статистический ежегодник Т.: «Ўзбекистан», 2003г. 254с.
- 22.Узбекистан в цифрах за 2003 год. Статистический ежегодник Т.: 2004. Экономика Узбекистана. Аналитический обзор за 2004 год. 2005г. №8.

8. Интернет сайтлари

- 23.[www. arbt. ru](http://www.arbt.ru)
- 24.[www.sovnet. ru](http://www.sovnet.ru).
- 25.[projektm. narod. ru](http://projektm.narod.ru)
- 26.[www. pmi. ru](http://www.pmi.ru).
- 27.[www. pmproft. ru](http://www.pmproft.ru).
- 28.[www. DOCFLOW.ru](http://www.DOCFLOW.ru)
- 29.Новости Узбекистана – www.uzreport.com
- 30.[http:www.vqi.freenet.lez. trudy. bratisvriko](http://www.vqi.freenet.lez.trudy.bratisvriko).